АДОЛАТ КУЧЛИ, КУЧ ЭСА АДОЛАТЛИ БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ

Адолат

Ўзбекистон «Адолат» социал - демократик партиясининг газетаси

Газета 1995 йил 22 февралдан бошлаб чиқа бошлаган

1995 йил, 24 июнь, № 12
Шанба кунлари чиқади • Сотувда эркин нархда

• *Президентга мактуб*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари!

Шу йил 6 майда мени Жаҳон банки Президенти лавозимига тайинланганим билан табриклаб, республикангизга таклиф қилиб, юборган мактубингиз учун Сизга миннатдорлик билдиришга рухсат эттайсиз.

Сизнинг Жаҳон банки мамлакатингиз иқтисодиётини ўзгартириш жараёнига бераётган кўмагига, шунингдек, Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш орқали ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига катта аҳамият бераётганингизни билиб, хурсанд бўлдим.

Жаҳон банки гуруҳи бундан буён ҳам Ўзбекистон ҳукуматининг иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва республика аҳолиси турмуш шароитини яхшилашга қаратилган интилишларини қувватлайверади, деб Сизни ишонтиришга рухсат эттайсиз. Шу йил кузда Ўзбекистонга бориш ва шахсан Сиз билан учрашиш мен учун кўнгилли воқеа бўлади.

Самимий ҳурмат билан,

ЖЕЙМС Д. ВУЛФЕНСОН,
Жаҳон банки Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Э. Қ ҲАЙИТБОЕВГА «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик самарали хизматлари, республикада маданиятни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этаётгани учун Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири Эркин Қаҳҳорович Ҳайитбоевга «Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
1995 йил 23 июнь.

• *Ҳарбий доктрина асослари муҳокамаси*

ҚИЗҒИН МАЪҚУЛЛАНМОҚДА

Мамлакатимизда яқинда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий доктринаси асосларини муҳокама қилиш бошланди. Маълумки, Республика Олий Мажлисининг қарори билан Ҳарбий доктрина лойиҳаси маъқулланган эди.

«Ватанпарвар» Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашиш жамияти Марказий Кенгашининг раиси генерал-майор Жамшир Шоҳмардонов янги ҳужжат ҳақида гапириб, бундай деди:

— Менимча, Ҳарбий доктрина асослари жаҳон андозасининг барча талабларига мос келади. Унда мустақил Ўзбекистон тинчликсевар давлат бўлиб, ҳозирги халқаро аҳволни, жаҳон ҳамжамиятидаги ўз ўрнини ўз кучлари ва имкониятларини тўғри баҳолаётгани акс этган.

Ҳарбий доктрина асосларида жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичда, урушнинг олдини олиш учун фақат дипломатия тадбирлари ва бошқа тинч услуллар ҳамиша ҳам етарли бўлавермайди, деган фикр аниқ баён қилинган. Шу сабабли, Ўзбекистоннинг мудофаа қобилиятини етарли даражада сақлаб туриш давлатимизнинг ва бутун халқимизнинг энг муҳим вазифасидир.

Қисқа қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий доктринаси асосларида бир томондан мамлакат сиёсатининг тинч, демократик тусдалиги, иккинчи томондан эса ўз кучига ишончи, ташқаридан бўладиган агрессияга зарба бера олиши акс этган.

Бу ҳужжат мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш учун қандай ишлар билан шуғулланиш лозим, деган саволга аниқ жавоб беради.

Мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашда унинг иқтисодий, ҳарбий-техник ва илмий салоҳиятини ривожлантириш, Ўзбекистон халқларининг миллатлараро жипслиги, бутун аҳолини ва аввало, ёшларни ватанпарварлик, байналмиллаллик, ватан олдидаги юксак масъулиятни ҳис этиш руҳида тарбиялаш энг муҳим вазифалардир.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий доктринаси асосларини ўрганиб чиққан ҳар бир киши ёш мустақил Ўзбекистоннинг мақсадлари ва вазифаларини, мамлакатимиз қудратини мустаҳкамлашда ўзининг тутган ўрнини тушуниб олади ва бу муҳим давлат ҳужжатини тўла маъқуллайди.

«Ватанпарвар» мудофаага кўмаклашиш жамиятининг барча ходимлари ва фаоллари бу ҳужжатни қизғин маъқуллашмоқда ва ундаги талабларни рўёбга чиқаришга ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Т. БОТИРБЕКОВ.

ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

• 20 июнь куни Украина Президенти Леонид Кучманинг Ўзбекистонга расмий ташрифи бошланди. Тошкент аэропортининг муҳташам бинои пештоқида Украина ва Ўзбекистон Республикалари давлат байроқлари ҳилпиради. Украина Президенти Леонид Кучма ва унинг рафиқасига Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов рафиқаси билан пешвоз чиқди. Миллий либосдаги қизлар юксак мартабали меҳмонга анвойи гуллар тақдим этди.

* * *

• Шу куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Украина Президенти Леонид Кучма ўзаро музокаралар ниҳоясида маҳаллий ва хорижий журналистлар билан учрашди. Президент Леонид Кучма Ўзбекистонда кечаётган ислоҳотлар жараёнини юксак баҳолади.

* * *

• Давлатга 86 минг тонна ғалла сотиб, йиллик режани мамлакатда биринчи бўлиб бажарган Фарғона вилояти ғаллакорларига Президент Ислом Каримов табрик хати йўллади.

* * *

• 21 июнь куни Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 4 йиллигини ҳамда Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш ташкилий қўмиталарининг мажлиси бўлди.

Мажлисни Республика Бош Вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур ташкилотлар қўмиталари раиси Исмоил Жўрабеков бошқарди.

* * *

• Давлат корхоналарини акциялаштириш, қимматли қоғозлар бозорини йўлга қўйиш учун қандай ишларни амалга ошириш лозим? Бунинг учун раҳбар ва мутахассис кадрларнинг билим ва маҳорати етарлими? Сирдарё вилояти фаолларининг семинар кенгашида ана шу саволлар ўртага ташланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Темур Алимов сўзга чиқди.

* * *

• Юртбошимизнинг Олий Мажлис иккинчи сессиясида сўзлаган нутқида мустақил давлатимизнинг янги парламенти — Олий Мажлис фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб берилди, халқ депутатларининг меҳнаткашлар кенг табақалари билан узвий алоқаси ишда асосий мезон бўлмоғи зарурлиги таъкидланди. Ўтган ҳафтада Нукус, Андижон, Фарғона, Урганч, Қарши, Термиз, Гулистонда Олий Мажлис ва вилоят Кенгашлари депутатлари фаолларининг сессия якунларига бағишланган йиғилишлари бўлиб ўтди.

* * *

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекнефтьгаз» миллий корпорацияси ва «Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси корхоналарининг намуна кўрсатган ходимларини мукофотлаш тўғрисида Фармон қабул қилди.

* * *

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси Э. Халилов 22 июнь куни Иордания Ҳошимийлар Қироллигининг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва Мухтор элчиси Валид ал-Саадни унинг илтимосига биноан қабул қилди. Суҳбат илиқ, дўстона вазиятда ўтди.

* * *

• Марказий банк 1995 йил 23 июндан бошлаб Ўзбекистон Республикаси махсус пул алмаштириш пунктларида фойдаланиш учун нақд АҚШ долларининг қуйидаги тижорат қийматини белгиллади:

— Сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 29,70 сўм.

— Сотиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 29,70 сўм.

САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Узбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби, Олий Мажлис депутати Анвар Жўрабоев 109-Булунгур округи сайловчилари билан учрашди.

Биринчи котиб сайловчиларга Олий Мажлиснинг ҳар икки сессияси якунлари, бугунги кунда парламент томонидан амалга оширилаётган, ишлар, шу жумладан «Адолат» социал-демократик партиясининг парламентдаги фаолияти, Президент Ислом Каримовнинг президентлик ваколатлари муддатини 1995 йилдан 2000 йилгача узайтириш бўйича утказилган умумхалқ Референдумининг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Учрашувда Булунғур тумани уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси Қўнғирбой Уролов, «Булунгур» ширкатлар уюшмаси раиси Маъмур Халилов, туман ҳокими Абдуолим Азимов ва бошқалар ҳам сўзга чиқдилар.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИ ТЕЗЛАШТИРИЛСИН

Наманганда вилоят фаолларининг семинар-кенгаши бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 июндаги «Давлат мулки бўлган корхоналарни акциялаштиришни жадаллаштириш ва қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг мазкур масала юзасидан чиқарган қароридан келиб чиқадиган вазифалар кўриб чиқилди.

Семинар-кенгаш иштирокчилари вилоятда хусусийлаштириш жараёни қандай бораётганини муҳокама қилдилар, акционерлик корхоналари фаолиятини кучайтириш, қонунда кўзда тутилган муддатларда қимматли қоғозлар чиқариш ва тарқатиш чораларини белгиладилар.

Кенгашда иштирок этган Республика Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Ш. Ғафуров, Наманган вилоят ҳокими Б. Рапиғалиев ўз нутқларида давлат мулкини хусусий кишилар қўлига топшириш йўли билан янги мулк эгаларини вужудга келтириш жараёнини тезлатиш зарурлигини таъкидлаб ўтдилар. Улар хусусийлаштириш жараёнининг тезлаштирилиши вилоят иқтисодиётини янада мустаҳкамлашга кўмаклашишини уқтирдилар.

Жумҳуриятимизда ғалла мустақиллиги учун қизғин кураш кетаётган айни дамларда барча қатори Сирдарё вилоятининг кўрқ Меҳнатобод тумани деҳқонлари ҳам ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Айниқса, туманнинг Й. Охунбобоев номли ширкатлар уюшмаси деҳқонлари алоҳида шижоат кўрсатмоқдалар. Уюшмага қарашли 1215 гектар майдондаги «олтин бошоқлар» жадал суратларда, нест-нобуд қилинмасдан йиғиштириб олиниб, хирмонга топширилмоқда.

СУРАТЛАРДА: уюшманинг моҳир комбайнчиси Раҳмат Акбаров; сара дон ҳосили аравачаларга юкланмоқда.

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.

• *Партия ва ҳаёт*

ИШ ҚУЙИДАН МУСТАҲКАМ БЎЛСИН

Вилоят партия ташкилотимизнинг тузилганига ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ. Бир ойдан ортиқроқ вақт мобайнида партия кенгашимиз томонидан маълум ишлар амалга оширилди. Энг аввало, партия ташкилотимиз вилоят Адлия бошқармасининг рўйхатидан ўтказилиб, ўзининг думалоқ муҳри, бурчакли тамгаси ва фирма қоғозларига эга бўлди. Банкда ҳисоб рақамларимизни очдик. Шу аснода партиямизнинг муҳим вазифаларини бажаришга енг шимариб кириштик.

Жойларда бошлангич партия ташкилотларини тузиш бўйича ташкилий ишлар йўлга қўйила бошланди. Партия сафларига янги аъзоларни қабул қилиб, сафдошларимиз билан ишлаш, депутатлар билан яқиндан мулоқотда бўлиш, сессия материаллари билан танишиб, таклифлар киритиш асосий иш мезонимизга айланиб бормоқда. Жойлардаги маълум шарт-шароитларни ўрганиб, ҳокимият тизимларига яқиндан ёрдам беришга ҳаракат қиляпмиз. Маълумки, мустақиллик туфайли тутилган ёш партиямиз энди оёққа туриб бормоқда. Унинг эртанги қадамлари дадил бўлиши учун ҳозирданоқ шарт-шароит яратишимиз керак. Бунинг учун олдимизда турган айрим масалаларни кечиктирмай ҳал қилиш зарур. Мана, Олий Мажлисда партиямизнинг, 47 нафар депутатдан иборат фракцияси бор. Менимча, эндиликда худди шундай фракциялар қуйи бўғинларда ҳам албатта, бўлиши керак. Чунки ўтказилаётган сессияларнинг барчасида ҳудудни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш масалалари кўриб борилади. Демак, ҳар бир партия ўзининг нимага қодирлигини сессияга киритаётган таклифларини муҳимлиги ёки уларни қай даражада бажарилишини таъминлаш орқали синовдан ўтади. Шу йўл билан халқда партияларнинг ўзига мақбулини танлаш, уларнинг фаолиятига етарли баҳо бериш имконияти пайдо бўлади. Натижада ҳар хил ноўрин йиғилишу кераксиз мажлисларга зарурат қолмайди. Қолаверса, турмушимизда учраб турган айрим ички-чиқирлар шу йўл билан қуйи бўғинларнинг ўзида тезроқ ҳал этилади.

С. УМЕДОВ,
Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Бухоро вилояти Кенгашининг биринчи котиби.

«УМРИБОҚИЙ ИШЛАРНИНГ ТАШВИШЛАРИ ҲАМ БОҚИЙДИР»

— дейди Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани Кенгашининг иккинчи котиби Бахтиёр Эгамбердиев

Бахтиёр Эгамбердиев 1959 йилда Тошкент шаҳрида зиёли оиласида таваллуд топган. 1980 йилда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг иқтисод факультетини тугатган. Айни пайтда Ўзбекистон — Олмония «СЭВИЖ—Трейдинг» қўшма корхонаси президенти. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси аъзоси. Яқинда туман Кенгашининг бўлиб ўтган ташкилий пленумида Собир Раҳимов тумани партия Кенгашининг иккинчи котиби этиб сайланган. Оилали, 3 қиз ва 1 ўғилнинг отаси.

— Бахтиёр Ўразиддинович, мамлакатимиз ҳуқуқий демократик давлат қуриш сари шаҳдам одимламоқда. Бу ишда партияларнинг ҳам ҳиссаси қандай бўлиши деб ўйлайсиз?

— Истиқлол туфайли юртимизда кўппартиявийлик юзага келди. Эндиликда ана шу мавжуд партиялар ўз Дастурлари асосида иш юритмоқдалар. Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий демократик давлат қуришга кўмаклашиш, халқни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, кам таъминланган оилаларга кўмаклашиш, уларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш ва бошқа қатор эзгу ниятлар мақсадида вужудга келган Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси мазмун ва моҳияти жиҳатидан ҳам ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларини бажаришга киришди, десак муболаға бўлмайди.

Бугунга келиб, партиямиз халқ орасида ўз фаолиятини юритишни бошлаб юборди. Жойларда партиямиз аъзолари мавжуд муаммоларнинг ҳал этилишига кўмаклашмоқдалар. Масалан, туманимиз партия Кенгаши бир қатор хайрли ишларни бошлаб юборди. Кўпгинга масалаларда туман ҳокимлиги билан бақамти иш олиб боряпмиз. Бугунги кунда юртбошимизнинг «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак» деган сўзлари ҳар бир ориятли инсон учун шиор бўлмоғи лозим. Ҳар бир киши халқнинг дардини ўзиники каби ҳис этмоғи керак. Боз устига, машаққатлар-ла қўлга киритилаётган умрбоқий ишларимиз халқ манфаати йўлида қилинаётган экан, қўл қовуштириб, четга чиқиб туриш инсофдан бўлмаса керак, деб ўйлайман.

— Юртимизда кўппартиявийлик кенг қулоч ёзган сари уларнинг сафдошлари, аъзолари ҳам кўпаймоқда. Шу билан бирга, партиялардан манфаат кўзловчилар ҳам, афсуски, йўқ бўлмаса керак?

— Тўғриси, ҳозирча орамизда бундайлар борлигига ишонмайман. Лекин манфаатга тўхталадиган бўлсак, собиқ Иттифоқ даврида бу иллатнинг илдиз отгани рост. Партия аъзоси бўлдими, демак у «қутарилиши», лавозим эгаллаши керак бўлган. Чунки партия йўналишининг ўзи ҳам ана шуни тақозо этган.

Юртимизда кўппартиявийлик юзага келгач, ҳар бир партиянинг ўз Дастури, келажакка элтувчи йўриқномалари ҳам шаклланди. Шу ўринда бир нарсани аниқ айтиш мумкин. Тўғри партия ҳеч бир моддий манфаатдорлик бермаслиги ҳам мумкин. Лекин бизнинг партиямиз оммани бирлаштирувчи, уни тўғри йўлга бошловчи, қолаверса, келажакни яратувчи куч эканлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Шундай бўлгач, кўппартиявийлик шароитида ҳар бир партия ўз нуфузини халқ орасида ошириши, ўрни келса, тушунтириш ишлари олиб бориши лозимки, токи айрим ортиқча гап-сўзларга ўрин қолмаслиги керак.

— Туманда «Адолат» социал-демократик партиясининг туман Кенгаши тузилишида жонбозлик кўрсаттанлардан бири сифатида партия тизими ва таркиби хусусидаги қарашларингизни ҳам билмоқчи эдим.

— Бугунги кунда кўппартиявийлик аниқ ҳақиқатга айланганлигини кўриб турибмиз. Демак, улар тизими, иш йўналиши ҳам шунга лойиқ бўлиши керак, деб ўйлайман. Чунончи, илгарилари партия бошқаруви «кабинетлаштирилган» бўлса, бугун бундай тизим ўзини оқламаслиги турган гап. Кўпроқ халқ ичига кириб бориш, унинг бугунги кун ташвишлари билан яшамоқ керак.

Назаримда, партия раҳбарлари ишлаб чиқариш корхоналарида, омма орасида шакллантирилиши, улар билан бирга яшаши ва ишлаши лозим. Ана шундагина унинг нуфузи ҳам ортади, ўз мақсадларини амалга ошириш йўлида қўлланган натижаларга эришади.

— Бахтиёр ака, анъанавий бўлса-да, яна бир савол. Айнан, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясига аъзо бўлганлигингизнинг боиси нимада? Қолаверса, кўппартиявийлик тизими сизнинг тасаввурингизда қандай бўлса, яхши самара бериши мумкин?

— Узбекистон «Адолат» социал-демократик партиясига аъзо бўлишда менга ҳеч ким «ҳомийлик» қилган эмас. Партия қурултойи бўлиб ўтганлигини эшитгач, унинг Дастури ва ҳужжатлари ўрганилгач, ўзим ва ишлаётган жамоамиз ва ҳамкасбларимиз ўртасида ўтказилган суҳбатлардан сўнггина партия аъзолигига ариза ёзганлигимни ҳеч иккиланмасдан айтаман. Менинг ҳаётимдаги ҳар бир ишим, ҳаракатим, ҳатти-ҳаракатим ва ниятларим ҳеч ким ва ҳеч нарсадан ҳадиксирамасдан,

• Туркистон — умумий уйимиз

Томирларда жўш уради, минг йиллик қон, Муқаддасдир бизга Ватан — Мулки Турон!

Биз — бешта қудратли шохи бирлашиб кетган улкан чинорни минтақамиз белгиси, рамзи қилиб танланганимизда катта маъно бор.

Бизнинг — Тожик, Туркман, Қирғиз, Қозоқ ва Ўзбекларнинг — тарихий бирлигимиз, маънавий бирлигимиз, маданий бирлигимиз, диний бирлигимиз, бир сўз билан айтганда, чинакам инсоний бирлигимиз ҳақида кўп гапиришнинг ҳожати йўқ.

Фалакнинг гардиши билан бугун қайси шахс минтақадаги қайси давлат жиловини қўлда тутиб турган бўлишидан қатъий назар, халқларимизнинг азалий бирлиги ва бир-бирига интилиши ҳар бир уйда, ҳар бир оилада, ҳар бир қишлоқда ва ҳар бир шаҳарда яққол сезилади. Минтақа бирлиги туйғуси нафақат маҳаллий халқ вакилларининг, балки бу ўзаро заминни она Ватан деб қабул этган рус, украин, белорус, татар, корейс, яҳудий ва бошқаларнинг қалбидан ҳам муносиб ўрин олгандир.

Менинг бунга ишончим комил.

Ислом КАРИМОВ.

БОШИМИЗДАН СОЧҒАЛИ ДЎСТЛИК ЁҒДУСИНИ

Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон Республикалари Президентларининг Чимкентга келиши муносабати билан ёзилган шеър

Соф юракка жо қилиб, эзгулик туйғусини,
Чекканча кеча-кундуз эл бахтини қайғусини,
Парчалаб ноаҳиллик, бегамлик қутқусини,
Бошимиздан сочғали дўстлик ёғдусини,
Учта алп карвонбошим, дил шод ташрифингиздан.
Аввал ҳам қозоқ, ўзбек шу заминда бор эдик,
Қирғиз билан қадрдон, меҳри кўп бисёр эдик.
Тотувлик гул боғидан гул териб хумор эдик,
Бир-бировга елкадош, қайғудош ҳамкор эдик,
Учта алп карвонбошим, дил шод ташрифингиздан.
Мустақиллик эш бўлиб, қутилгач эски ғамдан,
Қолмади армонимиз, ўшал ўтмиш аламдан,
Бўлди етиб роҳатлар, дийдалар ҳоли намдан,
Бошимиз баланд бугун, Аллоҳ берган карамдан,
Учта алп карвонбошим, дил шод ташрифингиздан.
Кўксингизда бир мақсад, битта маслак тумордир,
Демак, дўстлик пойидор, ҳам тинчлик барқарордир.
Сизлардек сарвари бор, карвонга омад ёрдир,
Бундан қозоғу, қирғиз, ўзбегим бахтиёрдир
Учта алп карвонбошим, дил шод ташрифингиздан.
Дерлар солиб аросат, ҳақсизликка, нифоққа.
Бахт азалдан бош эгган, мустаҳкам иттифоққа.
Бу ҳикматдан нур олган қалб ўхшаб шамчироққа,
Порлайверсин умрбод, изн бермай фироққа,
Учта алп карвонбошим, дил шод ташрифингиздан.
Ки Журъат ул Навоий наслининг дилбандидир,
Улуғ Абай ҳикматин меҳр ила пайвандидир.
Тўхтагулнинг нағмасига чин юракдан бандидир,
Дўстлик шаъмин қошида парвона монандидир,
Учта алп карвонбошим, дил шод ташрифингиздан!

ЖУЪРАТ,
Чимкент шаҳри.

• Дилдаги гаплар

КЕЛАЖАГИМИЗ ПОРЛОҚ

Ўзбекистон — кўп миллатли мамлакат. Бу тупроқ шу ерда яшаб меҳнат қилаётган 350 мингдан ортиқ қирғизларнинг ҳам Ватанидир. Биз Урта Осиёликларни Оллоҳнинг ўзи бир-биримизга ҳамфикр, дўсту биродар қилиб яратган. Бир ариқдан сув ичиб келган бахтиёр халқлармиз. Дўстлик чегара билмайди. Ўзбек халқининг маданияти қирғиз маданияти ривожига ҳам таъсир кўрсатди. Истиқлол — халқ учун бахт, миллат учун буюк равнақ йўли. Бошида ўз истиқлолининг нурли байроғи ҳилпираб турган халқ ўз тақдирининг эгасидир. Худога минг қатла шукурки, Ўзбекистонда тинч-тотувлик, осойишталик ҳукм сурмоқда.

Ўтган уч ярим йил ичида мустақил иш юритишни, тадбиркорликни ўрганиб олдик. Ўзбекистон жаҳонда ўз мавқеини эгаллади. Ютуқларни мустаҳкамлашда биз қирғизлар ҳам фаол иштирок этмоқдамиз.

Карим ИРИСБОЕВ,
Республика қирғиз маданий марказининг раиси.

ДОИМО БИРГАМИЗ

Ўзбеклар — Турон заминида яшовчи туркий тилда сўзлашадиган энг қадимий халқ. Бу халқнинг маданияти, имон-эътиқоди ва она заминга садоқати беҳад улуғвор. Ўзбекистоннинг бойликлари мўл. Шу боис бу юртга кўз тикиб келганлар кўп бўлган. Минг афсуски, мустамлака зулми ўзбекни ҳам четлаб ўтмади. Бугун эса, у яна мустақил сиёсат юритмоқда. Бу юртнинг хурсандчилиги ҳам, ташвиши ҳам бизники. Худога минг қатла шукурки, мамлакатимизда тинчлик-осойишталик ҳукмрон. Қорақалпоқ халқи ўз тақдирини Ўзбекистон билан чамбарчас боғлаган. Юртбошимиз олиб бораётган ташқи ва ички сиёсатни маъқуллаймиз.

Қонисбой ЎРОЗОВ,
Тошкент шаҳар Қорақалпоқ миллий маданий маркази бошлиғининг ўринбосари.

ҚОН-ҚАРДОШИМ

Ўзбек ва қозоқни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Бу икки халқнинг қадим-қадимдан илдизи бир, тақдири ўхшаш. Шайхонтоҳурда қозоқ халқининг оташин фарзанди Тулабой ётибди. Қозоқлар учун бу даргоҳ эндиликда муқаддас зиёратгоҳга айланган. Бизни боғлаб турган ришталар мустаҳкам. Тили тилига, дили дилига туташ жигарбандларимиз. Президентларимиз Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоевларнинг ўзаро дўстлиги ҳам бизнинг бахтимиз. Ўзбекистонда 1 миллион 200 мингдан ортиқ қозоқлар яшайди. Дўстлигимизни, халқимизнинг тинч, осойишта ҳаётини кўз қорачиғидай асраш барчамиз учун шараф ва бурч.

Абдулваҳоб ДУЛДУЛОВ,
Республика қозоқ маданияти маркази раисининг ўринбосари.

• Ватанни севмак иймондандир!

КУРРАИ ЗАМИН ТОҚИДА ТЕБРАНАЁТГАН ОЛТИН БЕЛАНЧАК

Ватан мустақиллиги ҳақида ўйлаганингда, хаёлингда ўйлар ғужғон ўйнайди.

Ватан мустақиллиги кенг тушунча! Давлат мустақил бўлмаган жойда фуқоро мустақил эмас!

Аксинча, фуқоро мустақил бўлмаган жойда давлат ҳам мустақил эмас. Демак, давлат ва фуқоро, оила, миллат мустақиллигини таъминлайди. Айни дамда ҳар бир фуқоро онгининг мустақил бўлиши Ватан мустақиллигининг тамал тошини мустаҳкамлайди.

Ватан муқаддас тушунча! Ватан деб халқлар қўлга қурол олган, унинг йўлига жонини тиккан, Ҳадиси шарифда «Ватанни севмак иймондандир» деб бежиз айтилмаган. Демак, Ватан учун жон фидо этганлар аввало иймонни, ор-номусни ҳимоя этганлар. Иймонсизда ор-номус бўлмайди. Иймонсиз, ор-номуссиз кимсалар Ватанни ҳам бир чақа пулга сотадилар...

Аллоҳ ҳар қайси маҳлуқот, жонзот, набобат учун етти иқлимни — ўн саккиз минг оламни — борлиқни Ватан қилиб берган. Балиқлар учун сув — Ватан! Баъзи жонворларга кўлмак, ҳашоратларга балчиқ — Ватан! Ҳомила учун она қорни — Ватан.Навоий ҳазратлари «Кўзим қаросига мардум киби ватан қилгил» дейди. Кўз гавҳари учун кўз қорачиғи — Ватан. Демак, ҳар қандай жон учун ҳам Ватан зарур. Буларнинг барида қисмат бор: Ватанга шикаст етказса жон чиқади! Бир умргузаронлик қилаётган тупроқда ўзбекка кўз гавҳари бўлса, Ўзбекистон — Ватан кўз қорачиғи! Қошғарли Маҳмуднинг лугатида зикр этилган «Улиқдан кечилур, анъанадан кечилмас» мақоли миллий маданиятга берилган қийматнинг даражасини кўрсатади. Аслида Ватан тушунчаси моддий-иқтисодий маънода эмас, балки маънавий маънода теранроқ жаранглайди. Моддий-иқтисодий қарамлик ва зулмдан халос бўлиш мумкин, сиёсий зўғумлардан қутилиш мумкин. Аммо маънавий жиҳатдан мустақиллик қўлга киритилмаса, Ватан тушунчаси кемтик кўринади. Демак, Ватан тушунчаси асл маънода Оллоҳ ҳар бир инсонга, ҳар бир халққа неъмат қилиб берган маънавий Ватан сарҳадларини ҳис этиб яшамоқлик билан изоҳланади. Маънавий Ватан — Ҳақиқий, мустақил Ватандир!

Ватан ер-сув, бойлик маъносида кўп талаш бўлган. Кайхусравдан Дороргача, Искандардан Қутайбагача, Чингизхондан Амир Темургача, Грознийдан Петргача, Напалеондан Ленингача, Гитлердан Сталингача, ҳатто Брежневгача босқинчилик урушлари олиб борилган. Бу сарҳадларда қўлга киритилган Ватанлар моддий эди. Шу боис улар тарихнинг маълум нуқталаридагина яшаб турадилар. Бу салтанатлар енгилтак шамол, чанг-тўзондак тезда тўзиб инқирозга йўлиқдилар. Аммо тарих шоҳидки, Иброҳим, Мусо, Исо, Будда, Конфуций, Муҳаммад қурган — Оллоҳ илҳоми билан бунёд бўлган маънавий Ватанлар ер юзидан ҳамон йўқолган эмас. Бу маънавий Ватанлар одамлар қалбида бани-башар ҳис-туйғуларида гуллаб-яшнаб турибди.

Муҳаммад алайҳиссалом улуғ Ислом орқали одамлар қалбига жойлашган Ватан: Имом Бухорий, ат-Термизий, Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Қошғарий, Яссавий, Ғиждувоний, Кубарс, Аттор, Ғазолий, Нақшбанд, Жомий, Хожа Аҳрор, Навоий, Машраб, Фитрат, Қодирий, Беҳбудий, Ойбек англаган, севган Ватан подшоҳлар, амирлар, соҳибқиронлар забт этган Ватандан буюкроқ, азизроқ эканлиги ҳар биримизга аён. Бу буюк зоти шарифларнинг инсоний комиллик, маърифат билан эгаллаган Ватанлари қилич ва қалқон билан эмас, тафаккур ва қалб қудрати, илоҳий илҳом билан забт этилган ҳақиқий Ватандир! «Ватан — дин, ахлоқ ва эстетик ғўзалликларнинг бир кўргазмасидир. Ватанимизни теран бир севги билан севамиз, у яша ғўзалликларнинг мажмуаси бўлганлиги учун ҳам севамиз», — дейди турк адиби Зиё Қўкалп. Маънавий Ватанни ардоқламоқ, севмоқ учун қалб ва тафаккур тарбияси зарур. Қалб ва тафаккур-тарбиясини унутганлар ҳақиқий Ватандан мосуво одамлардир. Улар Ватанда ватансиздир! Улар босқинчи, қароқчи, ғўрғ, ишратчи, аҳлоқсиз кимсалардир! Афсуски, бизда ҳозир Ватансиз кимсалар кўп. Шу боис Эркин Воҳидов ёниб айтади: «Бу Ватанда бир Ватан қурмоқни истайдир қўнгил».

Бу Ватанда ҳақиқий Ватан қурмоқни истанганлар миллий қадриятларни эъзозлаши, маърифат чўрбоғига ўзини ўриши, она-юртнинг ҳавосини, ҳар бир гардини, ери осмонини, шу замин мозорларида ётган улуғ зотларини улуғлаши, тирик инсонларга эзгулик кўзгуси билан боқиши даркор. Бундай кишилар эзгу ҳатти-ҳаракатлари, тақвоси, илми-одоби, ҳалоллиги, адолатлилиги билан Ҳақни — Оллоҳни танийдилар. Бу мақомга эришган инсонлар Ватанда беватан эмаслар! Бу сатрларни битмоқдан муддао шуки, болаларни ғуддаклигидан Ватан сарҳадларини маънавий жиҳатдан англашга қўмаклашиш, уларни руҳий-маънавий комил қилиб тарбиялаш даркор. Қалби шуури, имон-эътиқоди ўйғоқ кишиларгина ватанпарвардир!

Қўхна қадриятлар халқ маданий тафаккурини, маънавий қиёфасини, ижодкорлик даҳосини, яъни маънавий Ватан тарихини намоён этади. Қадимий обида, қўхна қўлёзма, асрий мусиқа ва халқ оғзаки ижоди энг аввало Ватан маънавий тарихининг зулмат ғорларини ёритиб турувчи чироқлардир!

Ватан тарихи ҳар бир шахс, ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқ, ҳар бир обиданинг тарихидан иборатдир. Ватан муҳаббати ҳақида неча-неча афсоналар битилган. Ҳар бир инсон ўз Ватанини севиши табиий. Ватанни унутган, қўнглида юрт севгиси бўлмаган одам учун бу дунёда муқаддас нарсанинг ўзи бўлмаса керак. Ватанга муҳаббат ота-онага, ака-укага, опа-сингилга бўлган меҳрдан, қишлоқ четидаги тепалик, баҳор келганда лолалар билан туладиган адирларга, олисларда кўриниб турган ва дилларни чўрлаган зангор тоғларга, мактабга борадиган йўллар четидаги ўсган чечакларга бўлган муҳаббатдан бошланади.

Маънавий булоқлар кўзининг кирланиши — ўқ томир илдизининг жароҳатланиши -қўними йўқ кимсаларнинг, манқуртларнинг, тайёрга айёрларнинг ўрчишига сабаб бўлади. Она тили, маданияти, тарихи ва урф-одатларини унутган манқуртлар шу қадар манманки, худбинки, улар ҳеч нарсани тан олмайдилар ва писанд этмайдилар! Улар Ватаннинг, ота-онанинг, дўстнинг, устознинг қадр-қимматини фақат фойда билан, сўмпул билан ўлчайдилар. Уларнинг шиори: «Бу дунёда яшаб қолинг, еб-ичинг, кийинг, маишат қилинг! Бўйидан, энидан уринг, фойда қилинг!..»

Бундай дунёқараш билан қаёққача борамиз. Ватанга муҳаббат таассубсиз бўлиши керак. Ўз Ватанини севмоқ ўзганинг Ватанини камситмоқ эмас! Ўз халқига, миллатига муҳаббат ўзга халққа, миллатга ҳурматсизлик эмас!

Юртбошимиз бошчилигида шу курраи замин тоқида тебранаётган Олтин беланчагимиз — жонажон Ўзбекистонимиз ҳамиша мустақил маънавий Ватан бўлиб қолсин!

Ғуломхон ҒАФУРОВ.

• Нуқтаи - назар

• Билол АМИНОВ — таниқли эшшунос, тарихчи олим, миллий қадриятларимизнинг фидойи жонкуяри. Халқимиз бисотида сақланиб келаётган дурдона қадриятларимизни тиклаш, уларни келажак авлодларга етказиш учун қилаётган саъй-ҳаракатлари қутлуғ мақсадлардан биридир.

Дарвоқе, олимнинг миллий қадриятларни тиклаш ва уларни турмушга жорий этиш мавзусидаги ишламалари Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитасининг лойиҳалар танлови ғолиби.

«ТУРКИСТОН МАРВАРИДИ» БЎЛСА...

Собиқ СССР даврида ҳам дўстлик ва қардошликка бағишланган кечалар, декадалар, ҳафталиклар бўларди. Уларга бағишланиб даста-даста китоблар чоп этилар, кўргазмалар ташкил қилинар, фильмлар намойиш этиларди. Лекин дўстликнинг энг муҳим жиҳати — умуминсоний қадриятларга кам эътибор бериларди. «Фақат Улуғ Октябрь қўёши ва буюк оғамизнинг раҳнамолигида Урта Осиё халқлари озодликка, маданиятга эришдилар», — деб «ҳалоскор миллатга» ҳамду санолар айтиларди. Яқин вақтларгача мана шундай қарашлар бизнинг онгимизга сингдириб келинди. Афсуски, ҳали ҳам баъзилар бу қарашлардан батамом қутилганича йўқ. Турмуш ва ҳаёт эса Урта Осиё республикаларининг чегараланиши сунъий эканлигини аллақачонлар исботлади.

Эндиликда Туркистон халқларининг азалий тарихини, қадимий қардошлик алоқаларини бирон мамлакат ва миллатни камситмаган ҳолда ҳаққоний тиклаш ва ҳозирги, келажак авлодларга етказиш биринчи галдаги муҳим вазифалардандир.

Юртбошимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида «...Биз Марказий Осиё давлатларининг раҳбарлари ва сиёсатчилари, халқларимизнинг тарихий бирлиги ҳақида жуда кўп баёнот берамиз, лекин гапнинг очиғи, ишимиз қуруқ баёнотлардан нарига ўтмаяпти», — дея бежиз таъкидламади.

Бундан хулоса шуки, Марказий Осиё минтақасида ҳам иқтисодий, ҳам маънавий, ҳам сиёсий жиҳатдан ягона муҳит ташкил қилиш бугунги куннинг энг долзарб масаласидир.

Бугун кенг жамоатчилик, биринчи галда ижодкор зиёлилар — ёзувчилар, тарихчилар ва бошқалар бу муҳим масалага алоҳида эътибор бериб, бу борадаги илғор ташаббусларни оммалаштиришлари зарур. Юртбошимизнинг Марказий Осиё мамлакатларидаги барча олиму зиёлиларига қарата Туркистон туйғусини қайтадан тиклаш борасидаги таклифи давр билан ҳамоҳангликда алоҳида аҳамият касб этади. Чунончи, «Умид қиламанки, минтақа мамлакатларнинг интеграцияси, бирлашуви учун хизмат қиладиган жамоатчилик ҳаракати тузилса ва бу ҳаракатда ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, қардош халқларимизнинг бирлиги учун курашга қодир инсонлар ҳам Қозоғистон, ҳам Қирғизистон, ҳам Туркманистон, ҳам Тожикистон, ҳам Ўзбекистон вакиллари қатнашса, нур устига нур бўлиши аниқ.

Мазкур жамоатчилик ҳаракати «Туркистон — умумий уйимиз» — деб номланса айни муддао бўларди», — деб янги ёзилажак Туркистон тарихига олимлар эътиборини қаратди.

Турон заминнинг барча олиму зиёлиларига қаратилган ушбу илмий мулоҳазали ва қолаверса, ибратли фикрларни мен ижтимоий гуманитар фанлар намоёндаларига қарата айтилган даъват деб тушунаман.

Дарҳақиқат, ушбу тарихий ҳужжат ижтимоий-гуманитар фанларнинг намоёндалари учун битмас-тугамас катта манба — Туркистоннинг янги тарихини бошлаш учун асосий йўналиш бўлиб қолишига шубҳа йўқ. Қани энди «Туркистон — умумий уйимиз» жамоатчилик ҳаракати Марказий Осиё минтақасида барча давлатларда ишга тушса.

Биринчидан, ана шу жамоатчилик ҳаракати билан беш республикада ҳам илмий-амалий марказ тузилса, шунингдек, бу марказлардаги мутахассислар илмий, амалий, маърифий ҳаракатларни ҳам бошқарсалар, вақти-вақти билан ҳар республикада кўчма илмий-амалий семинар ўтказилиб турилса;

Иккинчидан, «Туркистон — умумий уйимиз» бош шиор экан, ана шу беш республикада қардошлигимизнинг тарихий бирлигини, урф-одатимиздаги, маданиятимиздаги умумий ва ўзига хос ҳар бир халқнинг турмуш тарзини акс эттирувчи боғлар ташкил этилса, зеро бу жойларни зиёрат этган кишилар худди ўша республикаларга боргандек ўзларини ҳис этсинлар.

Халқлар қалбига дўстлик нурларини сочиб турадиган маданий-маърифий масканларда Наврўз, Меҳржон байрамлари ва дўстлик фестивалларини ўтказиш учун имкониятлар бор. Мамлакатимизда тиклаётган Меҳржон халқ сайил-байрамларини Марказий Осиё халқларининг катта мурувват, меҳр-шафқат, шукуроналик халқ сайилларига-экология байрамга айлантириб юбориш мумкин бўлади.

Айниқса, ана шу мезон — Меҳржон ойларида халқлар тенглиги, озодлиги қадимда тез-тез катта байрам сифатида ўтказиб турилган. Алломамиз Абу Райҳон Беруний ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» номли катта асарида «Қуёш ва Ой фалакнинг икки кўзи бўлганидек, Наврўз ва Меҳржон заминнинг икки кўзидир» — деб таъкидлаган эди.

Эндиликда беш республканинг истаган пойтахтида умумбашарийликни қўйловчи, халқларнинг руҳияти ва кайфиятини кўтарувчи мунтазам ишлайдиган Туркистон кулги академиясини ташкил этишнинг ҳам вақти келди. Ва, шу каби «НОН ЭҲРОМИ»ни ташкил этиш мумкинки, Марказий Осиё халқларининг нонга бўлган эътиқодлари, унинг турли хиллиги ва сифатлари дунё халқларининг эътиборини тортмоқда.

Бизнингча, шу каби маскан ва оромгоҳлар халқларни бир-бирига англатади, яқинлаштиради, умуммуштаракликни шакллантиради.

Яна бир таклиф: ҳар бир республикада Марказий Осиё мамлакатларининг «Туркистон марвариди» — этнобоғи (этнопарк) ташкил этиш ҳақида маълум гектар ер майдони ажратилса айни муддао бўлади.

Ҳар бир Республиканинг Маданият ишлари вазирлиги, жамоатчи ташкилотлари, лойиҳа институтлари билан ҳамкорликда бўлажак «Туркистон марвариди»нинг илмий концепциясини, этнобоғ макети ва лойиҳасини яратсалар, бу мақсадга мувофиқ иш бўлади.

Марказий Осиё республикаларининг Фанлар академиялари «Туркистон марвариди»ни яратишда кенг жабҳада илмий-тадқиқот ишларини йўналтирсалар бу — эзгуликка қўйилган муҳим қадамдир.

Билол АМИНОВ,
тарих фанлари номзоди, эшшунос олим, маданий-маърифий ишлар аълочиси.

Қирғиз малагининг либоси, нози Мард Ўғлон ғурурин яшартар рози.

ТУРОН ЯНГИЛИКЛАРИ

• ТОШКЕНТ. Марказий Осиё мамлакатлари олимлари ҳамда ишлаб чиқариш ходимларининг ўзаро фойдали алоқаларини янада ривожлантиришга бағишланган кенгаш бўлди. Икки кун давом этган бу кенгаш ишида Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон давлат илм-фанни бошқариш органи вакиллари иштирок этдилар.

Кенгашни Республикамиз давлат фан ва техника қўмитаси раиси Пулат Ҳабибуллаев очди. У Марказий Осиё халқлари манфаатларининг тарихий муштараклигига асосланган интеграциясиз минтақадаги давлатлар иқтисодиётини мустаҳкамлаб бўлмаслигини таъкидлади. Олимлар ҳам бу жараёнга ўз ҳиссаларини қўшишлари керак.

Кенгаш қатнашчилари ўз нуқталарида давлатлараро илмий ва технологик ҳамкорликни йўлга қўйишда кучғайратларини бирлаштирадиган пайт келганини таъкидладилар. Шу мақсадда «Туркистон» халқаро илмий технология марказини барпо этиш назарда тутилмоқда. Марказ минтақадаги мамлакатларнинг барча манфаатдор ташкилотлари қўшилиши учун очиқ бўлади. Янги технологиялар соҳасидаги долзарб муаммоларни ҳал этишда, илм-фаннинг устувор ва ўзаро манфаатли йўналишларида ҳамда илғор технологияларни яратишда Марказий Осиё давлатлари олимлари ва мутахассисларининг куч-ғайратларини мувофиқлаштириш — янги марказнинг асосий вазифасидир. «Туркистон» маркази бирғаликда ишлаб чиқарилган технологиялар асосида жойларда маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шунингдек, минтақа мамлакатлари учун юқори малакали илмий ва муҳандис ходимлар тайёрлаш билан шуғулланади.

• ДУШАНБЕ. Яқинда Индонезия Республикасининг Ўзбекистондаги ҳамда Қирғизистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ҳасан Абдужалил Индонезиянинг Тожикистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси сифатида Президент Имомали Раҳмоновга ишонч ёрлигини топширди.

Учрашув чоғида элчи Индонезия ҳукуматининг тожик қочқинларига ёрдами сифатида 25 минг АҚШ доллари миқдорида инсонпарварлик ёрдамини етказди.

— Бу Президент Ислом Каримовнинг 1994 йил 29 ноябрда Тошкентда ўтган учрашув чоғида Ўзбекистондаги дипломатия ваколатхоналари раҳбарларига тожикистонлик қочқинларга ёрдам бериш хусусида қилган мурожаатига жавобан амалга оширилмоқда, — деди Индонезия элчиси маросимда.

• АЛМАТИ. Туркия Президентининг Қозоғистонга ташрифи чоғида икки мамлакат ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги баённома, фуқаролик ишлари юзасидан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги шартнома ҳамда «Қозэнерго» давлат энергетика компанияси билан «Сименс—БМБ—Бобок» консорциуми ҳамкорлигида Оқтўба туманида 954 меговатт қувватга эга бўлган электростанция қуриш тўғрисида контракт имзоланди.

Президент Нурсултон Назарбоев қабул қилинган ҳужжатлар Туркия билан Қозоғистон ўртасидаги мавжуд мустаҳкам савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш учун янги уфқлар очишини таъкидлади.

• БИШКЕК. Қирғизистон Президенти Асқар Акаев республикадаги ижтимоий-иқтисодий вазият билан чуқурроқ танишиш мақсадида тўпилиб ўсган маскани Кеминск туманида бўлди. У бу ерда маҳаллий қайта ишлаш корхоналари меҳнаткашлари, фермер ва ўқитувчилар билан учрашди.

(ЎзА).

ЮНИСЕФ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ

БМТнинг болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) Қирғизистонга 15 миллион доллар ажратди. Мазкур маблағ 5 йил мобайнида тиббиёт ва ижтимоий дастурлар, хусусан, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, бошланғич таълим соҳаларига сарф этилади. БМТ дастури дастлаб Норин ва Талас вилоятларида амалга оширилади.

Мазкур масалани муҳокама этиш учун ЮНИСЕФнинг Марказий Осиёдаги вакили Экрэм Бирердинч Қирғизистон Президенти Асқар Акаев билан учрашди.

ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

АҚШ ҳукумати Тожикистон учун озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш мақсадида «Жаҳон озиқ-овқат дастури» Халқаро ташкилотига 3 миллион доллар миқдорида маблағ ажратди. Мазкур Халқаро ташкилот ана шу маблағга 30 минг тонна ғалла сотиб олиб, уни инсонпарварлик ёрдами сифатида Тожикистонга жўнатади. АҚШ билан Тожикистон ҳукумати ўртасида яқинда бу ҳақда шартнома имзоланди. Америкадан Тожикистонга ғалла шу йилнинг сентябрь ойи охирларида олиб келинади. 1994 йилда АҚШ Тожикистонга 35 минг тонна ғалла тортиқ этганди.



АЛМАТИ. Дунёга машҳур «Медео» ўйингоҳи.

ТОЖИК МАҚОЛЛАРИ

- *Нодон дўстдан доно душман афзалроқ.*
- *Ишламайдиган тириқдан ўлик яхшидир.*
- *Ёқутлан бутдойнинг донаси қиммат.*
- *Яхшилардан — шарофат,*
  Ёмонлардан — касофат.
- *Бир қўлдан садо чиқмас.*
- *Аблаҳ ўз айбига бўлмайди иқрор,*
  Узгалар айбини излар у ҳар бор.
- *Ранжсиз ганж йўқ,*
  Ганжсиз ранж йўқ.
- *Қозон қозонга дер: юзинг қорадир.*
- *Қарға бир гул топса агар,*
  Узини бўлбулдек билар.

ТУРКМАН ХАНДАЛАРИ

Имтиҳон олаётган профессор талабага юзланди:

— Қадимги грек театрининг ҳозирги замон театрларидан фарқи нимада?

— Бизнинг театрларимизнинг буфетлари бор-да, домла, — деб жавоб берди талаба.

* * *

— Сен машинани яхши бошқара оласанми?

— Албатта. Йул кафтдек текис бўлса, телеграф ёғочи, кўприк бўлмаса...

* * *

— Ёшулли! Сотаётган қора мурчингиз аччиқми? — мурч сотаётган чолга тегажоқлик қилиб гап қотди эзма йигит.

— Ҳалигача биров «мурчингиз ширин экан» деб қайтариб келтириб берганича йўқ...

* * *

Қизнинг мактубидан:

«Раҳимжон, менга йўллаган мактубингни олдим. Такрор-такрор ўқидим. Кўзларимдан томчи-томчи ёшлар оқди...»

Йигитнинг жавоб мактубидан:

«Сени ҳўрлаганим ва азоб берганим учун кечиргин, Зебо! Бундан сўнг сенга мактуб ёзмасликка сўз бераман!».

ДУШАНБЕ. Мирзо Турсунзода номли адиблар уйи.

• 27 июнь — Матбуот куни

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши ва унинг нашри «Адолат» газетаси ижодий жамоаси барча матбуот ходимларини, матбаачиларни, ноширларни, отахон журналистларни, мураббийларни ва шунингдек, барча муштарийларни касб байрами — матбуотчилар куни билан қизғин муборакбод этади.

• Бизни табриклайдилар

МУБОРАКНОМА

Сизни, яқиндагина эзгуниятлар, адолат, ҳақ учун иш бошлаган «Адолат» газетасининг яратувчиларини мустақил Республикамизнинг ўз матбуоти ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан Республика прокуратураси органларининг барча жамоалари номидан самимий қутлайдилар.

Ўтиш даври деб аталаётган, сиёсий-иқтисодий, маънавий-маданий ва ҳуқуқий турмушимизда мутлоқ янгиланиш ясаш учун маъқулроқ йўлни танлаётган ёш ва келажаги порлоқ Ўзбекистонимизда айрим қонун бузилишлар, ўзгалар ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилиш ва баъзан жиноий қадамлар қўйиш ҳоллари учраб турибди. Буларнинг барчасини илдизларини қуритиш жамият учун буюк келажакли давлат қуришда нақадар муҳим эканлигини барчамиз яхши биламиз.

Ана шу йўлда, газетамизга ижодий изланиш довонларидан оғишмай, халқимизга ҳуқуқий билим ва ҳуқуқий маданият чўққиларини эгаллашда, «Адолат кучли, куч эса адолатли бўлмоғи лозим» деган шиорларингизга содиқ қолиб, халқимизнинг севикли газеталаридан бири бўлиб қолишингизга тилакдошмиз.

Сизларга Адолат ёр бўлсин! Адолат йўлида ҳамкорлигимиз боқий бўлишини тилаб,

Бўритош МУСТАФОЕВ,
Республика Бош прокурори, I даражали Давлат адлия маслаҳатчиси.

• Ҳангомалар

ШОШГАНДА, ЛАББАЙ ТОПИЛМАС

Ахборот «қироли» Абдулла Ҳолмўтов ҳар йили ёзда Кайковус ариғида чўмилар, одати бўйича узоқдан югуриб келиб, сувга калласи билан шўнгир экан. Бир куни ҳовлисида лой иш қилиб бўлгач, эски одати бўйича Кайковус ариги томон чопибди. Шу югурганича, узоқдан ариққа калла ташлабди. Аксига олиб шу куни ариқ сувини бўғиб қўйишган экан...

КЕСАКДАН ҲАЙКАЛ

Нима бўлди-ю, йиғилишиб ош қиладиган бўлдик. Ошпаз топилмагач, паловни мухбир Рашид Аслонов дамлайдиган бўлди. Қозон тепасида қиттак-қиттак кўпайиб кетибди шекилли, ошпазнинг кўзлари сузила бошлади...

Ва ниҳоят паловхонтўра тортилди. Меҳмонлар келишди. Иштаҳалар карнай эди. Бирдан ёзувчи Уткир Ҳошимов ошдан қўлини тортиб сўради:

— Ошни ким дамлади?

— Мен, устоз, — деди Рашид кўзларини сузиб.

— Яшанг! — деди Уткир ака. — Тузи қани?

Сизга кесакдан ҳайкал қўйсак бўларкан-ку!..

ҲАЗИЛНИНГ ТАГИ ЗИЛ

Бу йил ёз жуда иссиқ келди. Ишхонамиз анҳорга яқин эмасми, баъзан шоша-пиша тушлик қилиб чўмилишга чопардик.

Бир куни ёзувчи Алиназар Эгамназаров билан журналист Мурод Адбуллаев анҳорнинг бир қирғоғидан иккинчи қирғоғига икки марта сузиб ўтишга баҳслашиб қолишди.

Мурод ака қирғоққа бориб, қайтишда чарчаб қолди шекилли, ортиқ сузолмади. Худди қармоқ илгагидек сувга кириб, бир чиқарди. Аввалига ҳазиллашяпти, деб ўйладик. Қарасак, чинга ўхшайди...

— Чўкяпти, эй, ростдан ҳам чўкяпти, — дея бақириб қолди шоир Насриддин Муҳаммадиев.

Алиназар ака сувга калла ташлаб, Абдуллаевни базўр олиб чиқди. Сал бўлмаса баҳс қимматга тушар эди. Начора, Мурод ака чойхонада икки марта ош қилиб берди.

ТУШ ТАЪБИРИ

Тушликка ҳамжиҳат чиқардик. Йигитлар бир-бири билан қаттиқ ҳазиллашишарди, овқатдан сўнг аския бошланарди.

Бир куни тушликдан сўнг бўлим мудири Тўлқин Расулов кетмоқчи бўлдилар. Шунда журналист Маматурсун Отахонов гап қистирди: — Афтидан «амбразура»га қалам ҳақини олгани кетаётганга ўхшайсиз. Шошилманг. Кеча тушимда урага тушиб кетибсиз. Бой бўласиз, шекилли, энди бир эринг-да!

— Бўлса бордир, — деди Тўлқин ака бамайлихотир. Ҳамма ёнгинга олтин билан қопланганмиш. Буни қарангки, мен сизни, сиз эса мени ялаяпсиз...

Мурод ХАЛИЛОВ.



«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонасини беихтиёр республикамизнинг газета булогига ўхшатгинг келади. Бу ердан минг-минглаб муштарийлар қўлига етиб бораётган хилма-хил матбаа нашрлари кенг ўқувчилар оммасининг қалбига йўл топмоқда. Босмахона жамоаси ҳам таҳририятлар ходимлари билан ўз меҳнатларининг самарасини кўриш учун баб-баравар иш олиб бормоқдалар. Корхонада кейинги пайтда кескин ўзгаришлар рўй берди. Газеталарни тайёрлаш жараёнига замонавий компютерлар кириб келди. Унга ўрнатилган серунум ускуналар нашрларнинг сифатини тубдан яхшилашга хизмат қила бошлади.

СУРАТЛАРДА: босмахонанинг суратлар бўлими ходимлари Павел Сабунов ва Юрий Салодовников иш устида;копьютер участкаси саҳифаловчилари Бахтиёр Қўшоқов, Вадим Лепа ва уста Кенжақул Тўлабоев «Адолат» газетасининг янги сонини тайёрлашмоқда.

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.

• Янги китоблар

«ЗУЛМАТДАН САДОЛАР»

Кейинги йилларда энг яқин тарихимизнинг қонли даврлари, эрксевар халқимизга нисбатан қўлланилган зулм ва қирғинлар ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар бирин-кетин дунё юзини кўра бошлади. «Отам ҳақида», «Кафансиз кўмилганлар», «Усмон Носирнинг сўнгги кунлари», «Қатлнома», «Сиз билган Дукчи Эшон» сингари асарлар шулар жумласидандир. Яқинда буларнинг қаторига яна бир муҳим ҳужжатли асар — «Зулматдан садолар» («Адолат» нашриёти) номли суд очерклари китоби қўшилди. Унда ёзувчи Файзулла Қиличев истиқлолгача бўлган 70 йиллик болшевойлар асорати, халқимизнинг бошидан кечирган фожиалари, миллатимиз устидан юргизилган таҳқир машинаси узра таҳлил ва кузатувларини ўртага қўяди.

Китобнинг «Ўлим тегирмони» отлиг муқаддимасида жаҳон ахборот воситалари, марказий матбуот саҳифалари ва янгиқли китобларда айтилган гаплар такрорланган бўлса ҳам, самимий ва халқ тақдири билан боғлиқ ҳолда фикр юритилгани сабабли, ўқувчининг диққатини ўзига жалб қилади.

«Зулматдан садолар» китоби муқаддима ва хотимадан ташқари 14 суд очеркини ўз ичига олган бўлиб, булар китобхонларни яқингинада юртимизда яшаган ва ноҳақ жабрланган турли тоифа ва қатламларнинг мудҳиш тақдирлари билан таништиради.

Китоб шу қадар катта таъсир кучига эгаки, менга бу қизиб турган тафаккур ва ёниб турган юрак билан ёзилгандек кўринади. Чунки «Зулматдан садолар» китоби катта фош қилувчилик қудратига эга. Менимча, китобда биринчи марта, тузимизни ичиб, тўзлигимизга тупурган нонкўрларнинг исми-шарифлари, кимликлари тўғрисида ҳам маълумот берилган.

Ёзувчи бу ўринда: «Мен тарихчи ҳам, сиёсатчи ҳам эмасман» дейди. Аммо ўқувчи муаллифни тадқиқотчи-олим, янада тўғроғи, социолог-тарихчи, инсонпарвар сифатида ҳис қилади: унинг «ҳар қадамда таъна-дашном эшитиб, туртки еганлар қалбига озгина малҳам қўйиш» ниятида ёзган бу асарини мамнунлик билан варақлайди. Ҳозирги сиёсий барқарорликнинг қадрини ўз ўрнига қўяди. Ва ниҳоят, китобда Президент Ислом Каримовнинг: «Асоссиз тарзда репрессияларга дучор бўлганларнинг ор-номуси, қадр-қиммати, покиза номини тиклашни, уларга етказилган маънавий ва моддий зиён ўрнини қоплашни ўзимизнинг биринчи галдаги бурчимиз деб биламиз, деган сўзлари узукка кўздек қўйилганини ҳам таъкидлаш жоиздир.

Миразиз АЪЗАМ.

«БАЛЛИ ҚИЗЛАР»

Куни кеча М. Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат олийгоҳида олийгоҳнинг 50 йиллик тўйига бағишланган факультетлараро «Балли қизлар» танлови бўлиб ўтди. Унда олийгоҳнинг собиқ талабалари ҳам иштирок этишиб, йиғилганларни бўлажак юбилей билан табриклашди.

Қизиқарли ўтган бу танловда санъат журналистикаси бўлимининг II-курс талабаси Дилдора Зуфарова муваффақиятли қатнашиб, ўзининг бу тадбирга яхши тайёргарлик кўрганини намойиш қилиб, фахрли биринчи ўринни олди. Иккинчи ўрин кўғирчоқ театри актёрлиги бўлимининг III-курс талабаси қорақалпоғистонлик Қирмизхон Кубесовага, учинчи ўрин эса, мусиқали драма актёрлиги бўлимининг IV-курс талабаси Фотима Назаровага насиб этди.

Голиблар олийгоҳ жамоатчилиги томонидан қимматбаҳо совғалар ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

Ҳикматуллоҳ ҚОДИР,
«Адолат» мухбири.

• Ислоҳотлар кўзгусида

ХЎЖАЛИК СУДИ: ҚОНУНГА РИОЯ ЭТИБ, ИШБИЛАРМОНЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛМОҚДА

Республика хўжалик судида йил бошидан буён уч ярим минг иш кўриб чиқилди. Қўлга киритилган давлат божи миқдори 30 миллион сўм ва тўққиз минг АҚШ долларини ташкил этади. Бундан ташқари, хўжалик юритиш тартиби бузилгани учун айбдорлардан Ўзбекистон бюджетига икки ярим миллион сўм ундириб олинди.

Республика Олий хўжалик суди раиси Мирзо Улуғбек Абдусаломов билан ЎзА мухбири А. Баранов бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш туфайли судловда вужудга келган бу янги тармоқнинг шаклланиши, бугунги кунда мамлакатимизда хўжалик судлари иши тажрибасини ривожлантириш муаммолари ва бу ишнинг келажаги хусусида суҳбатлашди.

— Юқорида келтирилган рақамларга қараганда, хўжалик суди ҳали «ёшлиги»га қарамасдан ўтказилаётган ислоҳотларни амалга оширишга фаоллик билан киришиб кетибди-да?

— Ҳақиқатан ҳам, ҳозир ҳаёт узоқ ўйлаб ўтиришга имкон бермайди. Ўзбекистонда чуқур иқтисодий-сиёсий янгиланишлар тезлик билан амалга оширилаётган, иқтисодиётни дадиллик ва жадаллик билан бозор муносабатлари йўлига кўчирилаётган бугунги кунда, бизнинг таъбиримиз билан айтганда, умумий судлар, яъни халқ судлари ва конституцион суд қатори хўжалик суди ҳам ташкил топиб, судловнинг зарур ва ажралмас бир қисмига айланиб қолди. Вазифамиз жуда юксак ва масъулиятли: Қонунга тўла риоя қилган ҳолда республикамиз хўжалиги соҳасида — мавжуд тузилмалар ва ишбилармонлар, корхоналар, ташкилотлар, ҳуқуқий ва жисмоний шахслар, барча ҳуқуқ субъектлари ўртасида — бутунлай янги, ҳуқуқий муносабатлар қарор топишига ҳар томонлама кўмаклашишдан иборат.

Республика Олий хўжалик судининг яқинда бўлиб ўтган пленумида айни шу ҳақда гапирилди. Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис биринчи ва иккинчи сессияларида, Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишда сўзлаган дастурий нутқларидан келиб чиқадиган вазифалар қараб чиқилди, ишимизни республикадаги хўжалик судловини ҳозирги вазифаларга, ислоҳотларни амалга оширишнинг ҳозирги босқичи талабларига мувофиқлаштириш йўллари ва имкониятлари ҳар тарафлама таҳлил этилди.

— Бу вазифаларнинг ўзига хос хусусияти нимадан иборат? Хўжалик суди ҳозир бу вазифаларни уддалашга тайёрми?

— Бу саволингизга ҳа, деб жавоб бера оламан. Шуни таъкидлашим лозимки, суд тизимида энг ёш бўлишига қарамай, тузилмамиз бирданига осмондан тушиб қолгани йўқ — у илгари мавжуд бўлган давлат арбитражи негизидан ўсиб чиққан. Ташқаридан қараганда, моҳият ўзгармагандай, яъни хўжалик субъектлари ўртасида юзага келган баҳслар кўриб чиқилади... Бироқ, иш мазмуни, унинг моҳияти бутунлай ўзгарган.

Илгари мавжуд бўлган давлат арбитражи — ўз номидан келиб чиқиб, яъни суднинг бутунлай мустақил фаолият кўрсатиши лозимлиги тамойилига зид равишда энг аввало, давлат манфаатларини ҳимоя қилиши керак эди. Шубҳасизки, биз ҳам давлат манфаатларига бефарқ қарамаймиз. Бироқ биз бугунги кун шароитини, ислоҳотларни мунтазамлик билан амалга ошириш туфайли жамиятда юз берган кескин ўзгаришларни, мулк шаклларига ҳозир мавжуд муносабатни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир ишни қараб чиқиш жараёнида фақатгина хўжалик қонунларига риоя этишга мажбурмиз. Демак, фақатгина қонунга риоя қилган ҳолда ишбилармонларнинг, хўжалик субъектларининг манфаатини ҳимоя қилишимиз лозим.

(Давоми 4-бетда)

Ойнаи жаҳонда

26 ИЮНЬ — 2 ИЮЛЬ

ДУШАНБА, 26

ЎзТВ I
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Ёшлик" студияси. "Яхшиларга эргашиб".
18.40 "Ҳаракатда баракат".
19.00 "Аёл борки, олам мунаввар".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Футбол шарҳи.
20.05 Бастакор Сайфиддин Йўлдошев қўшиқлари.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Уйғун. "Парвона". Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
23.10 Эълонлар.
23.15 — 23.40 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II
"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. "Кўзмунчоқ".
19.00 "Тафсилот".
19.15 "Деҳқон ҳиммати".
19.45 "Ҳамкасблар".
20.15 "Ҳамшира-95" кўрик-танлови.
21.05 — 22.20 "Соат 12 да бошлиқ келади". Бадиий фильм.

ЎзТВ III
"ОСТАНКИНО"
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ, РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.10 "Тигиз пайт".
18.35 "Куйини топинг". Телеўйин.
19.05 "Агар..." Кўрсатувни В. Познер олиб боради.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 "Время".
20.40 "Репортёр".
20.55 "Ҳақиқат онлари". А. Караулов саволларига В. Сипачев жавоб бёради.
21.50 "Автомиг".
22.00 "Вести".
22.25 — 22.35 "Тафсилотлар".

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 "Мультқарусель".
19.00 "Туркистон" камер оркестри чалади.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
"ОМАД" таништиради:
19.50 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.40 Жаҳон география-си.
21.30 Эълонлар.
21.35 Видео — "О".
23.15 Эълонлар.
23.20 "Курьер".
23.40 "... яна об-ҳаво ҳақида".
23.50 — 24.00 "Постфактум".

СЕШАНБА, 27

ЎзТВ I
6.00—8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
8.00 "Довюрак капитан қиссаси". Бадиий фильм.
9.30 Немис тили.
10.00 Болалар учун концерт.
10.30 "Абитуриент-95". Физика.
11.00 — 13.00 "Умидлар йили". Видеоканал.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Ёшлик" студияси. "Эъзоз".
18.40 "Адолат". Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Компьютер-шоу".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Матбуот ва давр". Ўзбекистон Республикаси матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишланган кўрсатув ва концерт.
22.40 "Мирзо Ғолиб". Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси (Ҳиндистон). 1-серия.
23.40 Эълонлар.
23.45—00.10 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:
18.30 "Мультфейерверк".
19.00 Табиат дунёси.
19.50 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
20.10 Янгиликлар.
20.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанг-лари ва Эълонлар.
20.40 Видеогид.
21.00 "Теле-ателье-шоу".
21.10 "Эм-Ти-Ви" оҳанг-лари ва Эълонлар.
21.50 — 23.30 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III
"ОСТАНКИНО", РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30 — 8.00 "Телетонг".
18.10 "Тигиз пайт".
18.35 "Куйини топинг". Телеўйин.
19.05 "Мавзу".
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 "Время".
20.40 "Илк манбадан".
20.55 "Останкино" хит-паради.
21.25 "Севги мунажжими".
22.00 "Вести".
22.25 "Тафсилотлар".
22.35 "Автомиг".
22.40 — 23.35 Тунги телесериал. "Ноқулай аёл". Бадиий фильм (АҚШ).

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
18.40 "Мультқарусель".
18.55 "Бозор иқтисодиёти сабоқлари".
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.50 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.00 "Дийдар". Қозоғистонда Ўзбекистон кунлари (қозоқ тилида).
21.40 "Соккер-клуб".
22.25 — 22.35 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

ЧОРШАНБА, 28

ЎзТВ I
6.00—8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
8.00 "Кенжатойдан кўрқ, эй ғаним". Бадиий фильм.
9.10 "Компьютер-шоу".
9.55 "Абитуриент-95". Математика.
10.25 Болалар учун. "Ёзимиз соз ўтмоқда".
10.50 "Қўрқ ҳунар ҳам оз".
11.20 "Ҳуқуқингизни биласизми?"
11.50 — 12.25 Тошкент маданият техникуми ўқитувчи ва талабаларининг концерти.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Лизюкова кўчасида яшовчи мушукча". Мультфильм.
18.20 "Нон таъми".
18.45 "Туркистон — умумий уйимиз".
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Бош мезон".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Андижон вилояти.
22.10 "Мирзо Ғолиб". Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси (Ҳиндистон). 2-серия.
22.55 Эълонлар.
23.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
23.25 — 00.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "МҲСК" — "Наврўз".

ЎзТВ II
"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 "Ўзим ҳақимда...".
19.00 Р. Муродов, Э. Охунова. "Садоқат достони".
19.45 "Жонли тил".
20.45 "02" тўлқинида.
21.10 "Ёдингдами, дўстим..."
21.25—23.05 "Кинематограф".

ЎзТВ III
"ОСТАНКИНО", РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30 — 8.00 "Телетонг".
18.10 "Тигиз пайт".
18.35 "Куйини топинг". Телеўйин.
19.05 "Эслаб, излаб". Зоя Федорова.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 "Время".
20.40 ЎзТВ. Телефильм.
20.50 "Қутиш зали".
21.40 Криминал хабарлар экрани.
21.50 "Давр дарёси".
22.00 "Вести".
22.25 "Тафсилотлар".
22.35 "Автомиг".
22.40 — 23.35 Тунги телесериал. "Ноқулай аёл". Бадиий фильм (АҚШ).

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 "Мультқарусель".
19.00 "Ов ҳақида ҳикоя-лар". Телефильм.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
"ОМАД" таништиради:
19.50 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.40 — 23.40 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".

ПАЙШАНБА, 29

ЎзТВ I
6.00—8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
8.00 "Шимол ёғдусини ёқинг". Бадиий фильм.
9.15 Ўзбек тилини ўрганамиз.
9.45 "Абитуриент-95". Она тили ва адабиёт.
10.15 "Оламни асранг!"
10.50 — 11.40 Тошкент хореография билим юрти битирувчиларининг концерти. А. Навоий номидаги Ўзбек Давлат опера ва балет Катта театридан ёзиб олинган.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Ўсмирлар учун. "Фарзанд — умид юлдузи".
18.40 "Инсон ва қонун". Гиёҳвандликка қарши кураш.
19.05 "Ўзбекистон жамоли".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Севгим қўшиғим-да". Киноконцерт.
20.20 "Юзма-юз".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Ўзбекистон халқ ҳофизлари". Орифхон Ҳотамов, Муҳаммаджон Каримов.
22.10 Бевосита мулоқот.
22.50 "Мирзо Ғолиб". Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси (Ҳиндистон). 3-серия.
23.35 Эълонлар.
23.40—00.05 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:
18.30 "Омад" тақвими.
18.35 "Кўнгил".
18.40 Муҳаббатга ошно қалблар.
19.00 "Ишингиз бароридан келсин!"
19.10 "Теле-ателье-шоу".
19.20 Янгиликлар.
19.25 Видео янгиликлари.
19.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанг-лари ва Эълонлар.
20.30 — 22.10 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III
"ОСТАНКИНО", РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30 — 8.00 "Телетонг".
18.10 "Тигиз пайт".
18.35 Спортнинг етти куни. Баскетбол.
19.05 "Эслашлари учун..." Ю. Демич. Л. Филатовнинг муаллифлик кўрсатуви.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 "Время".
20.40 "Ўз-ўзига режиссёр".
21.10 "Хроно". Авто ва мотоспорт оламида.
21.40 "Киноафиша".
21.50 "Автомиг".
22.00 "Вести".
22.25 — 22.35 "Тафсилотлар".

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
18.40 "Мультқарусель".
18.55 "Вазият".
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.50 "Маданиятимиз дурдоналари".
21.35 — 22.20 "Кўнгил кўприклари".

ЖУМА, 30

ЎзТВ I
6.00—8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
8.00 "Содиқ дўстим Санчо". Бадиий фильм.
9.25 Немис тили.
9.50 Болалар учун. "Қувноқлар даврасида".
10.15 "Бола бошидан..."
10.50 "Қўшиғимиз сизга армуғон". Мусиқий кўрсатув.
11.25 — 11.55 "Иқтисодимиз таянчи".
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Кичкинтой" студияси. "Қўнғироқча".
18.40 "Булоқлар кўз очганда".
18.55 "Миллий хавфсизлигимиз кафолати".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Бўстон" телевизион журнали.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Маърифатнома".
22.00 "Ўзбек сўми".
22.45 ЎзТВ хазинасидан. "Хотира". Халқ артисти Тамарахоним.
23.55 Эълонлар.
24.00—00.25 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II
"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 Ёшлар ижро этади.
19.00 "Тақдир".
19.30 "Шаҳар юмушлари".
20.30 Раъно Шарипова иштирокида мусиқий кўрсатув.

ЎзТВ III
"ОСТАНКИНО", РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30 — 8.00 "Телетонг".
18.10 "Ёввойи дала".
18.30 "Инсон ва қонун".
19.00 "Муъжизалар май-дони".
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 "Время".
20.45 "Лидер-прогноз".
21.10 "К-2" таништиради.
22.00 "Вести".
22.25 "Тафсилотлар".
22.35 "Автомиг".
22.40 — 23.40 "А" дастури.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 "Мультқарусель".
19.00 "Ҳуқуқий жамият сари".
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
"ОМАД" таништиради:
19.50 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.40 "Эм-Ти-Ви" оҳанг-лари ва Эълонлар.
21.00 "Компьютер-Осиё".
21.30 "Панорама".
22.00 Дэвид Копперфильд. "Афсунгарлик билан 15 йил".
22.25 Эълонлар.
22.30 "Даракчи".
22.40 Эълонлар.
22.45 — 00.25 Видео — "О".

ШАНБА, 1

ЎзТВ I
6.00—8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
8.00 "Шавкатли рицарь Айвенго ҳақида қисса". Бадиий фильм.
9.25 "Ёшлик" студияси. "Талабалар саҳнасида".
10.50 "Кичкинтоймиз — гижингтоймиз".
11.30 — 13.30 "Маънавият" видеоканали.
17.55 Кўрсатувлар тартиби..
18.00 "Фунтик ва мўйлабли кампиршо". Мультфильм.
18.10 Мактаб ўқувчилари учун. "Санъат гунчалари".
18.45 Спорт хабарномаси.
18.55 "Фанга бағишланган умр". Академик Ғани Мавлонов.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Мукаррама Турғунбоева номидаги "Баҳор" Давлат рақс ансамблининг хонандаси Эркин Рўзиматов куйлайди.
20.30 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Актёрлар ва роллар". Фарҳод Абдуллаев.
22.30 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
22.40 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:
9.00 "Мультфейерверк".
9.30 Табиат дунёси.
10.20 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
10.40 Янгиликлар.
10.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанг-лари ва Эълонлар.
11.10 Видеогид.
11.30 "Теле-ателье-шоу".
11.40 "Эм-Ти-Ви" оҳанг-лари ва Эълонлар.
12.20 "Кинонигоҳ".
14.00 — 18.30 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. "Табассум".
19.10 "Антенна".
19.40 "Хонадонингизда осойишталик бўлсин!"
20.40 "Дарвоқе..."
21.05 — 22.45 "Кинематограф".

ЎзТВ III
"ОСТАНКИНО", РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.10 Луи де Фюнес "Жандарм ва юбка кийган жандармлар" комедиясида.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 "Время".
20.45 Баскетбол. Европа чемпионати. Эркаклар. 1/4 финал. Грециядан кўрсатилади.
22.00 "Вести".
22.25 "Автомиг".
22.30 — 23.10 Хоккей. Стэнли кубоги. Финал.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 "Айчурек" (қирғиз тилида).
10.40 — 11.10 "Мюзик-холл".
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
18.40 "Мультқарусель".
18.55 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.20 Телефильм.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Интердиалог".
20.30 "Чинсэн".
21.10 "Безнен мирас (татар тилида).
21.50 "Ёшлик" студияси. "Ёшлик оқшоми".
22.35 "Би-Би-Си" янгиликлари.
22.45 "Бу ажиб дунё".
23.05 — 23.15 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

ЯКШАНБА, 2

ЎзТВ I
6.00—8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
8.00 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
9.30 "Нафосат оламида".
10.00 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
11.00 Мактаб ўқувчилари учун. "Яшил чироқ".
11.45 — 12.35 "Меҳмон". А. Навоий номидаги Наманган вилоят мусиқали драма ва комедия театрининг спектакли.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Еттига етти". Телеўйин.
18.40 "Аҳвол қандай, чемпион?"
19.05 "Ойнаи жаҳонда...".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ҳафтанома" (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
20.05 "Якшанба оқшомида". Мусиқий кўрсатув.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ҳафтанома".
21.30 Эълонлар.
21.35 "Ўзбектелефильм" кўрсатади: "Истиқлол рамзи".
21.45 "Ёшлик" студияси. "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи".
22.45 Бадиий фильм.
24.00 Эълонлар.
00.05 — 00.35 "Ҳафтанома".

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:
10.00 "Омад" тақвими.
10.05 "Кўнгил".
10.10 Муҳаббатга ошно қалблар.
10.30 "Ишингиз бароридан келсин!"
10.40 "Теле-ателье-шоу".
10.50 Янгиликлар.
10.55 Видео янгиликлари.
11.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
12.00— 13.40 "Кинонигоҳ".
17.00 "Совга".
17.30 "Салом, ёшлар!"
18.10 Жаҳон географияси.
19.00 Эълонлар.
19.05 Видео —"О".
20.45 Эълонлар.
20.50 "Курьер".
21.10 "...яна об-ҳаво ҳақида".
21.20 "Постфактум".
21.30 Дэвид Копперфильд.
22.05 "Панорама".
22.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
22.55 "Даракчи".
23.05 Эълонлар.
23.10—00.50 Видео —"О".

ЎзТВ III
"ОСТАНКИНО", РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.00 "Юзма-юз". Кўрсатувни А. Любимов олиб боради.
18.30 "Санамлар, санамлар...". Тото Кутуньо.
19.10 "КВН-95". Мавсумнинг тўртинчи ўйини.
21.00 "Якшанба".
21.50 Телефильм.
22.25 "Ксюша ҳузурида".
23.00 — 23.40 Хоккей. Стэнли кубоги. Финал.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
9.00 Аэробика.
9.15 Мультфильм.
9.55 "Жонли сайёра".
10.15 "Менинг кўчам".
10.30 "Эҳтиёлик учун даст-хат".
10.50 "Эртакларнинг сеҳрли олами".
12.35 — 12.45 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.10 "Бу ажиб дунё".
19.30 "Ҳафтанома" (рус тилида).
20.00 "Хорижнинг биринчи элчилари".
20.40 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.40 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.50

ХЎЖАЛИК СУДИ: ҚОНУНГА РИОЯ ЭТИБ, ИШБИЛАРМОНЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛМОҚДА

(Давоми, боши 3-бетда)

Бизнинг бугунги кунда ҳаётни ўзи белгилаб берган судлов ишимизнинг хусусияти ана шундай. Уни амалга ошириш, бугунги кун талабларига тўла мослаш учун ҳали кўп иш қилишимиз, қисман ҳуқуқий, кўпроқ ташкилий ишлар билан боғлиқ анча муаммоларни ҳал этишимиз керак.

— Ҳозирги пайтда нималар кўпроқ ташвишга солмоқда?

— Кадрлар муаммоси ташвишга солмоқда. Юқорида айтилган ўзига хос жиҳатларни рўёбга чиқариш учун давлат арбитражи органларидагига нисбатан бошқача ишлай оладиган одамлар зарур. Шунга қарамай, хўжалик судларининг раислари ва судьялар — республикада мазкур тоифадаги ишларни кўриб чиқиш билан шуғулланаётган 133 киши — шу пайтга қадар судья этиб сайланмади, бир вақтлар тайинланган ҳакам мақомида қолиб кетди. Биз ҳозир бу масалани батафсил ўрганяпмиз ва республика Президентига тегишли таклифларимизни киритмоқчимиз.

Яна бошқа бир муаммо — мутахассисларнинг етишмаслигидир. Бизда айнан хўжалик ҳуқуқини зарур даражада биладиган ҳуқуқшунослар кам. Бундай ҳуқуқшунослар бизнинг судлов ишимизда ҳам, умуман, халқ хўжалиги мажмуида ҳам етишмаяпти. Чунки, хўжалик ҳуқуқи бўйича мутахассислар, ҳуқуқшунослар ҳозирги пайтда давлат корхоналари учун ҳам, хусусий компаниялар ва фирмалар учун ҳам, тижорат ва ўзга тузилмалар учун ҳам жуда зарур. Ҳисоб-китобларга қараганда, ҳозирги кунда мингдан ортиқ ана шундай мутахассисга эҳтиёж бор.

Тўғри, ҳозир қандайдир даражада иш бошланган... Масалан, Тошкент давлат ҳуқуқшунослик институтида махсус ҳуқуқий хизмат факультети очилиб, унга 25 талаба қабул қилинган. Бироқ бизнингча, масалани бу тариқа ҳал қилиб бўлмайди. Дастлабки мутахассислар институтни 5 йилдан кейин битириб чиқади, лекин улар ҳозирги пайтда бизнинг хўжалик судларимиздаги бўш ўринлар учун ҳам етарли эмас. Ёш ҳуқуқшунослар эса судья бўлишдан олдин касб борасида ҳам, оддий ҳаётий масалаларда ҳам амалий тажриба орттириши лозим.

Менимча, бундай мутахассислар тайёрлашни кўпайтириш ва тезлаштириш учун имкониятларимиз бор. Ҳуқуқшунослик институтида жуда яхши ўқув базаси ва тажрибали ўқитувчилар жамоаси мавжуд. Бу ерда юздан ортиқ фан докторлари ва номзодлари бор. Бинобарин, бу институтда, Тошкент Давлат университетида, шунингдек ҳозир аниқ ихтисослаштирилмаган ҳолда бўлсада, ҳуқуқшунослар тайёрланаётган Самарқанд, Фарғона, Нукус шаҳарларидаги олий ўқув юртларида хўжалик ҳуқуқи ва бозор иқтисодиёти қонунларини чуқур ўрганадиган гуруҳлар ташкил этиш мумкин. Ҳатто, ҳуқуқшунос ходимларни тезкорлик билан қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимидан ҳам фойдаланса бўлади. Ҳар ҳолда, бу масалаларни биз учун ҳеч ким ҳал қилиб бермайди, республикада ишончли мутахассислар заҳирасини ўзимиз тайёрлашимиз керак.

Бизни ташвишга солибгина қолмай, кўп ҳолларда бизни қийин аҳволда қолдираётган яна бир муаммо — хўжалик судларининг моддий-техникавий жиҳатдан таъминланмаганидир. Шуни айтиш кифояки, ҳозир республика Олий хўжалик судининг ҳам биноси йўқ. Давлат Солиқ қўмитаси биноси хоналарини ижарага олиб ишлаб турибмиз.

Яқинда бўлиб ўтган пленумда шу муаммолар ҳақида батафсил гапирилди. Уларни бартараф этишнинг бирдан-бир йўли, биз республика бюджетига ўтказаётган божлар ва жарималардан фоиз ҳисобида бизнинг ҳисобимизга сал кўпроқ пул ўтказилса, деган тилак бор.

— Шунга қарамай, хўжалик судларида ишлар кўриб чиқиляпти... Чамаси, бу ишга хос бўлган қандайдир тамойиллар, етилган умумий масалалар аниқланаётгандир?

— Шундай бўлиши табиий, чунки ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. Демак, баҳслар, можароли вазиятлар келиб чиқади, ҳуқуқий жиҳатдан ҳал этишни талаб қиладиган даъволар пайдо бўлади. Бизнинг судлов тажрибамиз, ҳозирги ҳаётий вазиятнинг кўзгудаги акси бўлмаса ҳам, мамлакатда юз бераётган жараёнлар ҳақида холисона баҳо беришга имкон беради.

Хўжалик судлари орқали ўтаётган ишларнинг энг кўп қисми ўзаро тўловлардаги қарзларга боғлиқдир. Кўриб чиқиш учун тақдим этилаётган даъволарнинг тахминан 60-70 фоизи ана шу масала билан боғлиқ. Шартнома мажбуриятларини бажармагани учун корхоналардан давлат фойдасига катта жарима ундиряпмиз, бунда биз иқтисодий жазо чораларини қўллаш билан ҳақиқатни тиклабгина қолмай, меҳнат жамоаларига, хўжалик юритиш субъектларига ҳамкорларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, хўжалик шартномаси интизомига риоя қилиш руҳида тарбиявий таъсир ўтказишни мақсад қилиб қўйганмиз.

Кўпгина баҳсли масалалар мамлакатимизда амалга оширилаётган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни билан боғлиқ. Бундан икки-уч йил муқаддам, республикамизда ана шу жараёнлар эндигина бошланаётган даврда жойлардаги айрим раҳбарлар уларни жиддий жараён деб ўйламади, чамаси узоқ давом этмайдиган бекорчи расмиятчилик, деб ҳисоблади. Энди эса узоқни кўра олмаганларига ишонч ҳосил қилиб ва кеч бўлса ҳам ақл кириб, қўлдан чиқарилган бойликни қайтариб олиш учун «қалампир чайнашга» ҳам тайёр туришибди. Эндиликда улар илгари ҳам ҳеч кимга қарашли бўлмаган, ҳозир эса бутунлай бегона кишилар мулкидан фойдаланиб қолишга уринишмоқда.

Мисол учун, Андижон, Фарғона вилоятлари, Тошкент шаҳрида хўжалик суди ишларида ана шундай фактлар пайдо бўлди. Бунинг устига маҳаллий ҳокимият вакиллари хўжалик суди олдинги давлат арбитражи эмаслигини тушунишмаяпти, айрим жойларда илгариги даврлардаги каби машъум «телефон ҳуқуқи»дан фойдаланиб, турли даражадаги мансабдор шахслар орқали тазйиқ ўтказиб, синовдан ўтган, лекин қонунга сира мос келмайдиган усуллардан фойдаланиб, судяларимизга таъсир ўтказишга уринмоқдалар.

— Шу муносабат билан сиз мавжуд муаммоларнинг бир қисмини қонун чиқариш йўли билан ҳал қилиш зарурлиги тўғрисида гапирган эдингиз, шундайми?

— Қисман шу ҳам кўзда тутилган. Мен масалани кенгроқ қўйишни назарда тутган эдим. Айтайлик, бизнинг тажрибамизда банкротлик (синиш) тўғрисидаги иш пайдо бўлди. Ҳозирги кунда, хўжалик судлари бир қанча ҳуқуқий шахсларни расмий равишда синган, деб эътироф этиши мумкин. Амалда бизда ишни уддалай олмаётган бундай субъектлар оз эмас. Республикамизда банкротлик тўғрисида қонун қабул қилинган. Бироқ, у фаол амал қилмаяпти. Чунки у тегишли меъёрий ҳужжатлар билан етарли даражада мустаҳкамланмаган.

Умуман, бизда яхши қонунлар бор, уларни изчиллик билан амалга ошириш учун ҳуқуқий шарт-шароит яратилган. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида биринчи бўлиб Ўзбекистон судлар тўғрисида қонун қабул қилди, республика хўжалик-процессуал кодекси 1993 йилнинг сентябридаёқ кучга киритилган. Шунга қарамай, аниқ суд тажрибасига асосланиб, ҳозирги кунда айрим қонун ҳужжатларини такомиллаштириш талаб қилинмоқда, бир вақтлар йўл қўйилган камчилик ҳозир яққол кўриниб қолди. Масалан, бизнинг асосий ҳужжатимиз — хўжалик-процессуал кодексимизда суд ижрочилари кўзда тутилмаган. Тажрибанинг кўрсатишича, хўжалик судлари қарорлари самарали ижро этилиши учун суд ижрочиларининг бўлиши мутлақо зарурдир.

Пленумда ана шу масалаларни таҳлил этиш ва тушган таклифларни умумлаштириш учун комиссия туздик. Ҳозир бу комиссия ишламоқда. Биз қонун лойиҳаларини таклиф этиш ҳуқуқимиздан фойдаланиб, Олий Мажлис кўриб чиқиши учун тегишли лойиҳаларни киритмоқчимиз.

Муҳаммад ЮСУФ

СОЧИ БИР САВАТ ҚИЗЛАР

Бу Момо ҳаводан мерос бир одат;
Ушласа гул ушлар қўлини фақат,
ўпса фақат ёмғир ўпар юзларин
Куёвга чиқмаган ўзбек қизларин.

Бу Момо ҳаводан уларга одат
Нозик белидаги сочи бир сават,
Силаса шамоллар силайди фақат
Куёвга чиқмаган ўзбек қизларин.

Жилмайса нур ёғар ёноқларидан,
Сир яширар ҳатто, қизғалдоқлардан
Беҳуда изламанг хилват боғлардан,
Куёвга чиқмаган ўзбек қизларин.

Юраги бир дарё, меҳри улуғвор,
Дугонаси ҳаё, синфдоши ор,
Айтинг, фариштадан нима фарқи бор
Куёвга чиқмаган ўзбек қизларин?

Бардоши олдида тоғ — оддий тупроқ,
Улар этагидан жаннат бир қадам.
Беайб парвардигор дегандек бироқ
Йўқ эмас кичкина камчилиги ҳам.

Севади. Кутади. Қилади алам,
Аммо не бўлса ҳам айтмас бировга
Севишини айтмай севганига ҳам,
Теги-и-б кетаверар бошқа бировга.

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

— Мен қаҳрамон онаман, ёшим элликда, иш стажим атиги 8 йил, қарилик пенсиясига чиқишим мумкинми?

О. МИРЗАЕВА,
Қорақалпоғистон Республикаси.

— Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 1 июлдан кучга кирган пенсия тўғрисидаги Қонунга асосан аёллар 55 ёшга етганда пенсияга чиқишлари мумкин. Сизнинг иш стажингиз кам экан. Бу ҳолда сизга ҳали пенсия тайинланмайди.

***

— Менинг ўғлим собиқ иттифоқ даврида Афғонистонда, ҳарбий хизмат вақтида вафот этган. Мен ҳозир пенсия оламан, қўшимча пенсия ҳам олишим мумкинми?

Б.ОРИФЖОНОВ,
Термиз шаҳри .

— «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги» Қонунга асосланиб пенсиянгизга ҳар ойда қўшимча 30 фоиз пул олишингиз мумкин. Бунинг учун туман ижтимоий-таъминот бўлимига Афғонистонда вафот этган ўғлингизнинг далолатнома хужжатини кўрастишингиз керак.

* * *

— Мен республика миқёсидаги нафақахўрман. Айтинг-чи, менга санаторийга бориш учун бепул йўлланма беришадими? Шундай имтиёз борми?

Ҳожиакбар ҚОБУЛОВ,
Тошкент вилояти.

— Сиз яшаб келаётган, пенсия олаётган ижтимоий-таъминот бўлимидан санаторийга бепул путёвка олишингиз мумкин. Бунинг учун соғлигингиз тўғрисида поликлиникадан хулоса ёзилган ҳужжат олиб тақдим этасиз. Сизга ҳар йили бир марта бепул йўлланма берилади.

Забихилло МУҲАММАДЖОНОВ,
ҳуқуқшунос.

• Турмуш чарраҳларида

«КЎПАЙСИННИ КЎРГАНИ КЕЛДИНГИЗМИ?»

Айтишларича, ҳам фавқулодда комиссия шаҳар бўлимининг бошлиғи, ҳам муаллим бўлган Исмоил Бобожонов 1920 йилда ҳукумат топшириғи билан ушбу болалар уйини ташкил қилган пайтида, шаҳар ва унинг атрофидаги жами қовурдоқхоналар, чойхоналар, бозорлар ва гузарлар атрофидан 12-15 нафар етим болаларни тўплаган экан. 1922 йили етимхонада ишлаш учун келган Ҳамзани бор-йўғи 7 бола қарши олган. Ҳозир 340 ўринли болалар ўйида 144 тарбияланувчи бор. Улардан фақат 16 нафарининг ота-онаси йўқ.

Хўжайли шаҳрида жойлашган бу даргоҳ Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номидаги республика болалар уйи деб аталади.

— «Кўпайсинни кўргани келдингизми?» Бу саволни менга ҳовлида ўйнаб юрган болаларнинг бири берди. Умримда бирор кишининг саволини жавобсиз қолдирганимни эслолмайман.

Бу сафар эса болакайнинг юзига боқмасдан ўзимча алланималарни гудраниб ўтиб кетишдан ўзга чора тополмадим.

Мудирнинг хонасида Американинг «Гифт оф Лайф» («Ҳаёт туҳфаси») ҳайрия ташкилотининг вакили Стивен Борд ва унинг ҳамроҳлари билан танишдик. Мазкур ташкилот хусусий бўлиб, дунёнинг турли бурчакларидаги ота-онасиз болаларга ёрдам бериш, фарзандсиз оилаларга бола асраб олишга кўмаклашиш каби ишлар билан шуғулланаркан. Гулистонлик Шаҳло, самарқандлик Гулсара деган қизалоқларнинг расмларини кўрсатишди. Уларнинг биринчисининг юқори лаби, кейингисининг икки оёғининг тиззасидан пасти йўқ эди. Ҳар иккисига ёрдам беришибди. Америкада қилинган операциялардан кейинги суратларида қизчаларни таниш қийин. Ҳар иккиси ҳам шод, бахтиёр.

Стивен Тахиатошдаги гўдаклар уйидан икки ёшли бир боланинг расмини олмоқчи экан. Гўдакни Хўжайлидаги болалар уйида тарбияланаётган икки акаси билан қўшиб суратга тушириш фикри пайдо бўлибди. Бироздан сўнг етти ёшли Талъат ва тўрт ёшли Саломатларни олиб келишди. Норасидаларнинг бир-бирларини таниб ҳурсанд бўлишларини, қучоқлашиб пинжларига тиқилишларини сўз билан ифода қилиш қанчалик қийин бўлса, суратга олиш тугаб, уларни бир-биридан ажратиш манзарасини таърифлаш ундан ҳам оғир.

Болалар уйи тўлиқ давлат таъминотида. Болаларнинг озиқ-овқати ҳам, кийим-кечаги ҳам, ўқиши, ҳордиқ чиқариши учун зарур бошқа шарт-шароитлар ҳам етарли. Ҳозир ҳар бир боланинг овқатланиши учун қунига 29 сўм сарфланаётган экан. Шунга қарамасдан, қандайдир энг муҳим жиҳатлар, нарсалар етишмаётгандай туюлаверади.

Бу ердаги ҳар ўнта боланинг тўққизтасида ота-онаси ёки улардан бири бор. Фақат уларнинг баъзиларигина ўз фарзандларини кўриш учун онда-сонда келиб туришаркан. Бошқалари эса ё ўз фарзандларидан воз кечишган ё ота-оналик ҳуқуқидан суд орқали маҳрум қилинганлардир.

— Онангни соғинасанми — сўрадим, гап орасида нукуслик Шолпандан. Қизчанинг юз ифодаси бир зумда ўзгарди, унинг кўзларида қўрқув аралаш илтижо акс этди:

— Йўқ, йўқ, уни кўргим келмайди. У келмасин. Акам Арслон келсин, опаларим Олтин, Ширин, укам Оймонларни кўргим келади. Уларни соғинаман.

11 ёшли бу қизалоқнинг ота-онаси бешта фарзанди билан ажралиб кетишган. Шолпан болаларнинг тўртинчиси. Болаларини эргаштириб Хўжайлига келган аёл суюқлик йўлига кирган, ичиликка ружу қўйган. Турли йўллар билан болаларига азоб берган, оч қўйган, урган. Уларнинг отаси Нукусда инисининг қўлида яшар экан. Шолпанни онаси қўлидан ажратиб олиб, ўтган йили болалар уйига топширибди. Айтишича, тез-тез келиб хабар олиб, Нукусга олиб кетиб тураркан. «Дадам яхши», дейди қизалоқ. Шолпан иккинчи синфда ўқийди. Шу пайтгача онаси бирор марта ҳам уни кўришга келмаган.

Гулбаҳор ва унинг укаси Алишерлар ҳам нукуслик. Уларнинг ота-онаси ҳам ичкиликка ружу қўйишган. 2-3 кунлаб болаларини уйга қамаб, йўқ бўлиб кетишган. Маҳалла-қўйнинг аралашуви билан улар суд орқали ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, болалар 1993 йилнинг июль ойида шу ерга келтирилган. Ҳозир Гулбаҳор иккинчи синфда, Алишер эса биринчи синфда ўқишяпти.

Гуласални 1993 йилнинг мартида Нукус вокзалидан топиб олишган. Тожикистонданман, деган қизча. Бошқа ҳеч нарса айтмаган. Кўринишидан 10-12 ёшлар чамасидаги бу қизалоқнинг на туғилган йили, на ота-онаси маълум. Менга айтишича, у беш фарзанднинг энг кичиги бўлиб, Олим, Наргиза, Замира, Лола деган ака-опалари бор. Ота-онаси ажралишган пайтида Гуласал ва Олимлар ота қўлида қолишни ихтиёр қилишган. Бир куни онаси Гавҳар уни Қўнғиротдан олиб чиқиб, поездда Нукусга олиб келади. Сўнг сен шу ерда тур, ҳозир лимонад олиб келиб бераман, деб вокзалда қолдирганча қайтиб келмайди... Гуласалнинг ҳикоясидан рост-ёлғонни ажратиш қийин, албатта. Тарбиячининг айтишича, қизчанинг бу ҳикоясини икки йилдан буён биринчи марта эшитиши экан. Нима бўлганда ҳам унинг сўзларидан, пешонасидаги чандиқ ва тиртиқлардан мурғак бошига тушган қийин савдолар сезилиб турибди.

Болалар уйидан чиқар эканман, беихтиёр орқага ўгирилиб қарадим. Дераза ортида қалдирғочлардек қатор саф тортган болалар кўчага қараб туришарди. Бўйлари пастлигидан кўпчилигининг бошларигина кўринарди. Улар ўзимизнинг қора қошли, қора кўзли юртдошларимиз. Улар отасининг, онасининг, йўлларига боқиб турган жигарбандларимиздир.

Аслида ростдан ҳам «Кўпайсин»ни кўргани келганга ўхшайман.

Ҳайитбой АБДУСОДИҚ.

Данагидан мағзи ширин. Содиқ Маҳкамов олган сурат лавҳаси.

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

● Янги пойабзали биринчи марта ёмғир ёққанда кийманг. Аввал уни қуруқ ҳавода бир неча марта кийсангиз чоклари орасига чанг кириб қолади ва у намни камроқ ўтказадиган бўлади.

***

● Алюминий идишни янгидек яраклатиб ювиш учун 90-100 граммли силикат елими солиб эритилган 1-1,5 литр илиқ сувга 100-125 грамм кальцийли кир содаси қўшилади. Эритма қайнатилиб, идиш унга солинади ва 20-30 минут қайнатилади. Эритма совуғач, идишни ундан олиб яхшилаб илиқ сувда ювиб ташланади.

***

● Дуккакли донлар (ловия, нўхат, мош кабилар)ни иссиқ сувда ивитманг, улар таркибидаги оқсил қотиб қолади.

Ловия, мош, нўхат ва бошқа шу каби дуккаклиларни пиширишда совуқ сувга солинади ва паст оловда қайнатилади. Гуруч, макарон, вермишель, угра каби хамир маҳсулотлари қайнаётган сувга солиб пиширилади.

***

Пўсти дарз кетган тухумни тузли сувга солиб пиширсангиз, ёрилиб кетмайди.

• Суд залидан

СОДДАЛИК АЙБ ЭМАС, БИРОҚ...

Наманган вилоятидаги бир неча киши товламачиликни асосий касб қилиб олган экан. Уларнинг айёрлик ва ёлғончилик билан бойлик тўплаш истаги қонун олдидаги жавобгарлик туйғусидан кучли бўлиб чиқди. Бироқ бу йўл яхшиликка олиб келмаслиги олдиндан маълум эди.

Наманганлик Ҳамидулло Раҳмонов истаган уйига бирон-бир тўсқинликсиз кира оларди. Бунинг сабаби — одамларнинг ўта ишонувчанлигигина эмас. Ҳамидуллонинг қўлида ҳаммани ишонтира оладиган ҳужжат — «Наманган электр тармоғи» корхонасининг ходими, деган сохта гувоҳнома бор эди. «Назоратчи» билан суҳбат кўпинча бир хил тугарди. У электр ҳақи вақтида тўланмагани учун уни дарҳол узиб қўйишни баён қиларди. Уй эгалари эса, маълум миқдордаги пул эвазига узаро муросани таклиф этишарди. Натижада, Раҳмоновнинг чўнтагига мумайгина пул тушар эди. Унинг ҳисобида бундай «текшириш»лар оз эмас. Бир ойнинг ўзида Ҳ. Раҳмонов вилоят марказида яшаётган 33 кишидан 1315 сўм «жарима» ундирган. Қиғир ишнинг қийиғи чиқмай қолмайди. Мана, энди «Назоратчи»нинг қонун олдида жавоб беришига тўғри келди. Наманган шаҳар халқ суди пул топишнинг янги усулини ўйлаб чиқарган Ҳ. Раҳмоновни 4 йилу 7 ойга озодликдан маҳрум этиш, мол-мулкини мусодара қилиш тўғрисида ҳукм чиқарди. Норин туманида истиқомат қилувчи Ҳадича Қодирова қийин аҳволга тушиб қолган кишиларни алдаш билан шуғулланиб келган. У ҳар қандай муаммони ҳал қилишга қодирлигини айтиб, лақма кишилардан мумай пул олар, сўнгра уларнинг кўзига кўринмасликка ҳаракат қилар эди. Ўтган йилнинг ўзидагина у навбатдаги қурбонидан 6 миллион 170 минг сўм-купон ундирди. Бундан сал олдинроқ қишлоқда яшовчи деҳқонга трактор сотиб олишда ёрдам беришни ваъда қилиб, уни 17 миллион сўм-купонга туширди. Х. Қодирова ўз қилмишларини ўйлаб кўрадиган пайт келди: Норин тумани халқ суди ҳукми билан у 10 йил озодликдан маҳрум этилди.

Жиноий ишларни кўриб чиқиш тажрибаси бундай мисоллар оз эмаслигини кўрсатмоқда. Вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот марказининг маълумотларига қараганда, сўнгги вақтда жиноятнинг бу тури анча кўпайган. Ўтган йили 120 марта товламачилик ҳоллари рўйхатга олинган. Бу эса, 1993 йилдагидан 51 та кўпдир. Шу йилнинг биринчи чорагида 24 та товламачилик қайд этилган, шундан 18 таси судга оширилган.

Товламачиликка доир ишлар билан танишганимизда фирибгарларнинг эпчиллигидан кўра, уларнинг қармоғига илинган кишиларнинг ҳаддан ташқари ишонувчанлигига ҳайрон қоласан, киши. Ишониш айб эмас, бироқ нотаниш кишилар билан мулоқотда эҳтиёткор ва ҳушёр бўлиш ортиқчалик қилмайди.

Н. ХЎЖАЕВА.

02 Хабар қилади

ДИПЛОМФУРУШ

Эрталабданоқ Нурилло ўйлаган режасини амалга ошириб, чўнтагини қаппайтириш пайига тушди. Остонадан кўчага ҳатлар экан, ишқилиб бугун омадим чопсин-да дея ният қилганча Чиял бозорига йўл олди. Одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса топиладиган бу ернинг довруғини Нурилло тенгдошларидан кўп эшитганди. — Бозормисан бозорда, — дейишганди улар. — Олиб келган молингни бир зумда пуллаб, яхшигина сармояга эга бўласан.

Уларнинг ҳаракатидан бозордан барака топаётгани кўриниб турарди. Нуриллонинг ҳам бу ишга меҳри тушиб қолди. Ҳаракат қилиб, бир нарсалик бўлиш умидида бозорга кириб келди. Бозор ҳақиқатдан ҳам гавжум экан. Қилни қирқ ёрадиган тижоратчиларнинг олди-соттиси авжида. Нурилло теварак-атрофни кузатиб, гангиб қолаёзди. Ишни нимадан бошлашни билмай, анча қийналиб турди. Ахир мол олиб сотиш учун уқув бўлмаса чув тушиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас-да. Шу пайт унга яқинлашган киши Нуриллонинг кўнглига оро киргандек бўлди.

— Иним, овга чиққанга ўхшайсиз, — деди у Нуриллонинг қулоғига шивирлаб. — Диплом бор, керак эмасми?!

Кутилмаган янгиликдан Нуриллонинг ранги қув ўчди. Тили калимага келмай, каловланиб турганди яна ҳамроҳи гапга тутди.

— Вой-бўй, юракдан ҳам бор эканда. — Шунга ҳам чумчуқдек шунчалик пириллайсизми?

Улар анча сургалашиб туришди. Охири Нурилло 70 мингга 5 та диплом, иккита ҳайдовчилик гувоҳномасини сотиб олиб, уйига қайтди. Гўё шу кунларда лотереясига ютуқ чиққандек Нурилло ўзида йўқ мамнун эди. Хотини Шабона Жўраева қишлоқма-қишлоқ кезиб мижоз излади. Ҳамма нарса Нурилло кутгандек бўлиб чиқди. Техникум остонасидан ҳатламай, ўқишга кириш истагида юрганлар ҳам йўқ эмас экан. Гулчеҳра Тўйчиева уларнинг бири эди. У ўз оёғи билан Косон туманинг Бойтерак қишлоғида яшовчи Нурилло Эшимовнинг уйини қидириб топди. 8 ярим мингга 1986-1988 йилларда Қарши педогогика билим юртида таҳсил олиб, бошланғич синф ўқитувчиси ихтисосига эга бўлганлиги ҳақидаги кўк муқовали, қалин жилдли дипломни сотиб олди. Қишнинг совуғи, ёзнинг иссиғига қарамай билим юрти йўлагини сарсон кезган бу аёлнинг бирданига омади кулиб боқди. Нишон туманидаги М. Улуғбек номли ўрта мактабга ўқитувчи бўлиб ишга кирди. Аммо ёпиқ қозон, ёпиқлигича қолмади. Охир-оқибат қиғир ишнинг қийиғи фош этилди. Замира Дилмуродова ҳам Гулчеҳрага ўхшаб лаққа тушди. Нурилло Эшимовнинг «институтини» бир кунда битириб, Косон туманидаги А. Насимов номли мактабда ўқитувчилик қила бошлади. Қарши педагогика институтининг бошланғич синф ўқитувчиси ихтисосига қорни оғримай эга бўлган Замиранинг омади узоққа чўзилмади... Сохта диплом учун 47 мингни сарфлаганига охири афсус чекди. Дипломфуруш Нурилло Эшимовнинг қиғир иши шу билан тугамади. Толип Жўраев, Нафас Жумағуловаларни ҳам «дипломли» қилди. Аммо текин даромад Нуриллога юқмади. Қиғир ишнинг қийиғи чиқиб, ҳамма иш фош бўлди. Бу қилмишлари учун Нурилло Эшимов Косон тумани халқ судининг ҳукмига мувофиқ беш йил мажбурий меҳнатга тортилди. Қалбаки дипломни сотиб олиб, уялмай-нетмай ёшларга «билим» берган қалбаки «ўқитувчи»лар ҳам қилмишига яраша жазо олишди.

Ў. ҲАЙДАРОВ,
Қашқадарё вилояти ИИБ матбуот хизмати катта нозири.

• ЭЪЛОН

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
27 ИЮНЬ СОАТ 19.00 ДА
Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари байрами шарафига

КАТТА КОНЦЕРТ ЎТКАЗИЛАДИ

Унда Ўзбекистон халқ артистлари
Насиба Абдуллаева, Ғуломжон Ёқубов,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар
Нуриддин Ҳайдаров, Матлуба Дадабоева,
Қозоғистонда хизмат кўрсатган артист
Азим Муллахонов
Кулги усталари —
Муҳиддин Дарвишев, Мирза Холмедов, Собит Асомов,
таниқли хонандалар:
Гулбаҳор Эрқулова, Абдулҳай Каримов, Равшан Комилов,
Дониёр Тошмуҳамедов ва
«Шодлик» ашула ва рақс ансамбли, «Туркистон» гуруҳи иштирок этади.
Концерт дастурини Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов олиб боради.
Чипталар Халқлар дўстлиги саройи кассаларида сотилмоқда.

Жамоалардан буюртмалар олинади.
Концерт ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси матбуотни қўллаб-қувватловчи жамғарма.

Телефонлар:
44-37-86, 44-37-87, 44-32-14.

АДОЛАТ
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Тўхтамурод ТОШЕВ

Бизнинг манзил: 700000, Тошкент — ГСП, Матбуотчилар кўчаси — 32. Қабулхона — 33-41-89, 32-55-70

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 140. Газета офсет усулида, А — 2 форматда, 10.000 нусхада чоп этилади.

Буюртма Г. — 0281. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.